

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**


**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2019-6/1

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2019

	ТАҲРИР ҲАЙАТИ:	МУАССИС
АХБОРОТНОМА 2006-ЙИЛДАН ЧОП ҚИЛИНИБ БОШЛАГАН	АБДУЛЛАЕВ Икрам , б.ф.д.	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтакавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси
	АБДУЛЛАЕВ Баҳром , ф-м.ф.д.	
	АБДУЛЛАЕВ Равшан , тиб.ф.д.,проф.	Бош муҳаррир Абдуллаев Икрам
	АБДУҲАЛИМОВ Баҳром , т.ф.д.,проф.	Бош муҳаррир ўринбосари Ҳасанов Шодлик
	АХМЕДОВ Муҳаммад , арх.ф.д.	Ўзбекча матн муҳаррири Рўзметов Дилшод Русча матн муҳаррири Ҳасанов Шодлик Инглизча матн муҳаррири Мадаминов Руслан Ламерс Жон
	БОБОЖОНОВ Мақсуд , т.ф.д., проф.	
	ДАВЛЕТОВ Санжар , тар.ф.д.	
	ДУРДИЕВА Гавҳар , арх.ф.д.	Техник муҳаррир Артикбаева Гулистан
	ИБРАГИМОВ Бахтиёр , к.ф.д., акад.	Мусаххих Ўрозбоев Абдулла
	ИБРАГИМОВ Назар , к/х.ф.д., проф.	ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ 220900, Хива, Марказ-1 Тел/факс: (0 362) 377-51-85 E-mail: mamun-axborotnoma@academy.uz  (+998) 93-569-16-70
	ИСҲОҚОВ Мирсодик , т.ф.д.	
	ҚОДИРОВ Шавкат , к/х.ф.н.	
	ЛАМЕРС Жон , к/х.ф.д., проф.	
	Майкл С. Энжел , б.ф.д., проф.	Ахборотнома Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Хоразм вилоят бошқармасида рўйхатдан ўтган
	МИРЗАЕВ Сирожиддин , ф-м.ф.д., проф.	
	РАҲИМОВ Раҳимбой , т.ф.д., проф.	ГУВОҲНОМА № 13-023
	РЎЗИБОЕВ Рашид , тиб.ф.д., проф.	
	РЎЗИМБОЕВ Сапарбой , ф.ф.д., проф.	Теришга берилди: 18.11.2019 Босишга рухсат этилди: 03.12.2019. Қоғоз бичими: 60x84 1/8. Адади 35. Ҳажми 8,0 б.т. Буюртма: № 24-Т
	РЎЗМЕТОВ Бахтиёр , и.ф.д., проф.	
САДУЛЛАЕВ Азимбой , ф-м.ф.д., акад.		
САЛАЕВ Санъатбек , и.ф.д., проф.		
САФАРОВ Каримжон , б.ф.д., проф.	Хоразм Маъмун академияси босмаҳонасида чоп этилди. Хива, Марказ-1	
СОБИРОВ Ражаббой , фарм.ф.д., проф.		
ЎРАЗБОЕВ Ғайрат , ф-м.ф.д.	ISSN 2091-573 X	
ЎРОЗБОЕВ Абдулла , ф.ф.д.		
ҲАЖИЕВА Мақсуда , фал.ф.д.	Нашр учун масъул Ш. Ҳасанов	
ҲАСАНОВ Шодлик , к.ф.н.		
2019 6/1(56)		

МУНДАРИЖА

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Qodirova D.N., Sattarov A.S., Fozilov Sh.M. Dorivor mavrakning bioekologik va morfofiziologik xususiyatlari	5
Qodirova D.N., Jumayev X.Q., Fozilov Sh.M. Bug'doy navlarining gullash fazasida suv almashinuv xususiyatlari	7
Бегматов А.М., Шарипов А.Э., Қорабоева Д.Ж., Рахматова М.У. Тирнокгулнинг (<i>Calendula officinalis</i> L.) морфобиологик хусусиятлари	9
Бегматов А.М., Шарипов А.Э., Рахматова М.У. Термиз шаҳри шароитида лола дарахтининг (<i>Liriodendron tulipifera</i> L.) ўсиш хусусиятлари	11
Джонибекова Н.Э. Гидрогель маҳсулотини турли хил сув манбаларида сорбция жараёни	14
Дусчанова Г.М., Рахимов Н.К., Равшанова М.Х. Адаптивные особенности ассимилирующих органов краснокнижного <i>Juno hippolyti</i> (Vved.) Kamelin и широкораспространенного <i>Juno narbutii</i> (O. Fedtsch.) Vved., произрастающих в условиях Кызылкума	17
Жуманиёзова Д.К. Бугдой агроценози фитонематодалари фаунаси ва уларнинг йил давомида мавсумий ўзгариши	21
Омонов М.И. Турли хил рангбарангликдаги сур қорақўл қўйлар генофонд манбаларини сақлашнинг селекцион-генетик асослари	24
Сапаров А.Д., Мирабдуллаев И.М. Коловратки семейства <i>Trichocercidae</i> harring, 1913 фауны Узбекистана	28
Турсынбаева Г.С., Садинов Ж.С. Адаптивные особенности стебля некоторых видов рода <i>Alyssum</i> L. (сем. <i>Brassicaceae</i>), произрастающих в условиях Кызылкума .	31
Турсынбаева Г.С., Садинов Ж.С. Морфо-анатомические строения семядолей некоторых видов представителей семейства <i>Asteraceae</i> Bercht. & J.Presl, произрастающих в условиях Кызылкума	34
Худайбергандов Н.А., Тўхтаев Б.Ё., Абдурахимов У.К. Влияние сроков посева семян на продуктивность календулы лекарственной в почвенно-климатических условиях Хорезмской области	37
Элмуратова З.У. Ўзбекистоннинг жанубий районлари тупроқларида коллемболаларнинг тарқалиши ва мавсумий динамикаси	41
Юлдошев Х. Т., Канатбаева Г.С., Камилов Б.Г. Созревание белого амура, <i>Stenopharyngodon idella</i> , при режиме пастбищной аквакультуры в условиях Узбекистана	44

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ

Pulotova M.R., Ikromova M.B. Automated water resources control in Central Asia	47
Найтиов А.Н., Шарифов Н.Ш., Вобойоров А.Е. Avtomatlashtirilgan sug'orish tizimi	49
Матякубова Э.У., Сайдалиев Х., Халикова М.Б. <i>G.Barbadense</i> L. турига мансуб коллекция намуналарининг тола узунлиги	51
Нормуратов О.У., Закиров Х.Х. Применение минеральных удобрений и орошения томатов на мелиорированных такырно-луговых почвах Сурхандаринской области ...	53
Фазлиев Ж.Ш. Томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилишнинг самарадорлиги	56
Хамидов М.Х., Хамраев К.Ш. Сувтежамкор шўр ювиш технологияси	59
Хамраева М.К., Ниёзова Р.Н., Умаров Б.Н. Качественные показатели зерна сои ...	64
Р.Қурвантоев, З.Э.Норқулов, К.И.Файзиев Хоразм воҳаси тупроқларининг механик ва микроагрегат таркиби	66

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ

Вохидов Э.А. Изучение рецептов приготовления алюмофосфатных клеев, их условий и характеристик готового продукта	72
Нарзуллаева А.М. Свойства и ассортимент каракулевого полуфабриката	73
Нарзуллаева А.М., Садикова М.М., Хужакулов К.Р. Перспективы создания новых жирующих элементов для кож хромового дубления	77
Садикова М.М., Нарзуллаева А.М. Классификация и ассортимент меховых и овчинно-шубных изделий	79
Садикова М.М., Нарзуллаева А.М., Хужакулов К.Р. Процессы наполнения и додубливания кож, как важный компонент производства качественной продукции	81
Умаров Б.Н. Керамическая плитка – сырьё и методы получения	82
Усманов Ж.И., Бобоёров А.Э. Перспективные солнечные элементы на основе полупроводниковых материалов	85
Хайитов А.Н., Шарифов Х.Ш., Толибова Ю.Х. Суюқлик сатҳини автоматик ростлаш жараёнини автоматлаштириш	88

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

O'UK 633.81

DORIVOR MAVRAKNING BIOEKOLOGIK VA MORFOFIZIOLOGIK XUSUSIYATLARI*D.N.Qodirova, dotsent, b.f.n., TerDU, Termiz**A.S.Sattarov, katta o'qituvchi, b.f.n., TerDU, Termiz**Sh.M.Fozilov, o'qituvchi, TerDU, Termiz*

Annotatsiya. surxondaryo viloyati tuproq-iqlim sharoitida dorivor mavrakning bioekologik va morfologik xususiyatlari o'rganildi.

Tayanch so'zlar: dorivor mavrak, o'sish, rivojlanish, urug' soni, unuvchanlik, ekologik omillar

Аннотация. Изучены биоэкологические и морфологические особенности лекарственный шалфей в условиях Сурхандаринской области.

Ключевые слова: лекарственный шалфей, рост, развитие, семена, саженцы, экологические факторы

Abstract. In this article shows that growth of curative mawrak(salvia) in accordance with climate condition of termiz that they are fully adopted to local condition.

Key words: medicinal salvia officinalis, growth, development, number of seeds, fertility, ecological factors.

Termiz sharoitida dorivor mavrakning o'simlik sifatida o'sish xususiyati uning keng ekologik diapazonga ega ekanligidan dalolat beradi.

Salvia L. turkumi o'simliklari dunyoda juda keng tarqalgan Labguldoshlar oilasiga mansub. O'zbekistonda 20 ga yaqin turlari aniqlangan. Dunyoda o'nlab turlari xalq tabobatida turli hastaliklarga qarshi ishlatiladi. Lotin tilida "Salvara"-davolamoq degan ma'noni anglatadi. Turkumning aksariyat turlari davolash maqsadida ishlatiladi. Kimyoviy tarkibida xiononlar, efir moylari, yog' kislotalardan palmitin, palmitoolein, stearin, olein, linol, linolenlar va bir qator boshqa tabiiy birikmalar aniqlangan[4]. Demak, keng tarqalishi, keng qo'llanilishi, turli mintaqalarga moslanishi va boy kimyoviy tarkibga egaligi bu ob'ektni o'rganishga va yangilik olishga umid beradi.

Dorivor mavrakning o'sish xususiyatlari. Nixolning o'sib rivojlanishi jarayoni natijasida unda yosh novdalar o'sib chiqadi va ular ham o'z navbatida shoxlay boshlaydi, bunday beto'xtov shoxlanish natijasida o'simlikning shox-shabbasi xosil bo'ladi. Novda uch qismdan iborat bo'lib, barg birikkan joy novda bo'g'imi, ikkita bo'g'im oralig'i, novda bo'g'imidagi barg va poya orasidagi hosil bo'ladigan burchak barg qo'ltig'i deb ataladi [1].

Tadqiqotlarda dorivor mavrakning urug' unuvchanligini o'rganish ikki sharoitda olib borildi: 1. Xona sharoitida urug' unuvchanligi. 2. Dala sharoitida urug' unuvchanligi.

Xona sharoiti muhitida Petri likopchasida namlangan qog'oz ustiga 20 donadan mavrak urug'lari ekildi. Tadqiqotlar 3 xil muddatda fevral, mart va aprel oylarida o'tkazildi (1.1-jadval).

1.1-jadval

Dorivor mavrak urug'larining unuvchaligi, %, (fevral, xona sharoiti)

№	Kuzatilgan kunlar									
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
unib chiqqan urug'lar, %	3	7	11	16	20	11	9	6	4	1

Fevral oyida xona sharoitida urug'lar 5 kunda unib chiqishni boshladi. Urug'lar unib chiqishni boshlagan kunda 2%, maksimal darajada unib chiqish esa 10 kunda (89%) xamda 15 kundan so'ng urug'lar unib chiqishi kamaydi (1%). Shunday qilib xona sharoitida jami 89 % urug'lar unib chiqdi. Urug'ning unib chiqish energiyasi 15,7% ni tashkil etdi.

Introduksiya qilingan o'simliklarning qiymatini yog'ochining sifati, manzaralilik darajasi, sanitar-gigienik, biologik xususiyatlari bilan birga issiq va sovuqqa bardoshlilik ham belgilaydi. Shu sababli turli iqlim sharoitlarida o'simliklarning ekologik omillarga munosabati keng tadqiq qilingan. Ilmiy manbalarda keltirilishicha, o'simliklarning sovuqqa bardoshi turning genetik belgilari bilan mustahkamlangan xususiyatidir. O'simlikning sovuqqa yoki issiqqa bardoshi odatda ekstremal sharoitda aniqroq namoyon bo'ladi. Qator tadqiqotlar o'simliklarning sovuq yoki issiqqa bardoshi uning yoshiga xam bog'lik ekanligini ko'rsatadi. Sovuqqa bardoshlilik o'simliklarning geografik kelib chiqishi bilan bog'liq. Shuningdek, tabiiy areali keng bo'lgan o'simliklar ham ekologik omillarga tez moslashuvchan va chidamli bo'ladi. Termiz

sharoitida tez-tez takrorlanib turadigan qishki iliqliq va bahordagi kechki sovuq o'simliklarni iqlimlashtirishda jiddiy to'siq bo'ladi.

Sug'oriladigan dala sharoitida ham urug'larning unib chiqish ko'rsatkichlari nisbatan xona sharoitidagi natijalarga mos keldi. Tegishli muddatlarda sug'orilgan tuproqqa ekilgan urug'larning unuvchanligi ko'rsatkichi mos tarzda 45%, 39% va 35 % ni tashkil etdi. Dala sharoitida urug' unuvchanligining xona sharoitiga nisbatan pastligini tuproq-iqlimning ta'siri bilan izohlash mumkin. Ta'kidlanganidek, sutka mobaynida havo va tuproq harorati keskin o'zgarib turadi. Kunduzi o'rtacha havo harorati 30-35°C bo'lsa, kechki paytlarda 12-18°C ga yetadi. Bu esa urug'ning unib chiqishi uchun zarur haroratni o'z vaqtida to'plashiga hamda murtakning unishiga noqo'laylik to'g'adiradi.

Dorivor mavrak ildizining o'sishi har 5 kunda tekshirilib borildi. Urug' unib chiqqandan 5 kundan so'ng asosiy ildiz uzunligi 1,5 sm va diametri 0,2 sm, urug'palla esa 0,3 sm va 0,2 sm, gipokotil ham 0,3 sm va 0,2 sm, hamda 0,2 sm va 0,2 sm ni tashkil etdi. Ildiz tizimining jadal o'sa boshlashi urug' unib chiqqandan so'ng 20 kundan keyin aniqlandi.

Dorivor mavrak fenologiyasi. Dala sharoitida urug'larning unishi ikki hil muddatda o'rganildi: kuzda (20.10.2018) va baxorda (25.03.2019). Bu tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, har ikki variantda ham urug'lar undi, ammo kuzda ekilganda urug'larning unib chiqish foizi bahorda ekilgan variantdagidan ko'proq bo'ldi (mos ravishda 45-55 % va 25-35 %). Har xil yoshdagi va har xil sharoitdagi o'simliklarda gullar sonining har xilligi kuzatildi (1.2-jadval).

1.2-jadval

Har xil yoshdagi va har xil sharoitda o'sgan 1 yillik novdalaridagi vegetativ va generativ kurtaklar soni O'simlikning yoshi (yil)	O'sgan sharoiti	Poyaning o'rtacha uzunligi (sm)	Poyaning o'rtacha diametri (mm)	Generativ kurtaklar soni (1m novdada) Vegetativ kurtaklar soni (1 m novdada)
5	Doimiy sug'orilmaydigan tuproq sharoitida	87,3+1,93	8,0+0,09	6,3+0,55 38,7+0,71
6		74,0+0,93	8,1+0,07	15,9+1,04 9,9+0,54
7		74,1+0,82	8,2+0,32	22,8+0,78 8,1+0,35
8		84,6+2,56	8,3+0,31	48,5+0,88 5,5+0,42
9		67,9+2,86	8,6+0,22	51,3+0,94 3,9+0,23
10		62,7+2,69	8,6+0,25	98,3+1,08 6,9+0,56
10	Doimiy sug'oriladigan tuproq sharoitida	66,0+1,81	8,8+0,16	120,8+0,87 18,0+0,39

Fenologik kuzatishlar nafaqat turli fazalarning o'tish muddatlarini belgilashda, balki o'simliklarning chidamliligi, mahsuldorligi, manzaraliligi, shuningdek, ulardagi hayotiy jarayonlarning maromini aniqlashda muhim ahamiyatga ega. Turli geografik joylardan kelib chiqqan turlar vegetatsiya davrini ma'lum ketma-ketlikda boshlaydi, bu esa baxorning qanday kelishidan qat'iy nazar saqlanib qoladi. Haroratning asosiy omil bo'lgani xolda mazkur jarayon o'simlikning tabiiy arealida mustaxkamlangan genotipik xususiyatlar tomonidan boshqarib boriladi. O'simlikning mavsumiy rivojlanish maromi tashqi muhit ta'sirida turning tarixiy taraqqiyotini aks ettiradi. Xar yilgi meteorologik omillar (issiqlik, yog'ingarchilik, atmosferaning nisbiy namigi va boshqalar) o'simlikning mavsumiy rivojlanishiga o'z ta'sirini ko'rsatib turadi. Introduksiya sharoiti o'simlikning tabiiy arealidagi sharoitiga mos kelganda, ularning yaxshi iqlimlashganligi qayd qilingan. Turli o'simliklar baxorgi vegetatsiyani turli paytda boshlaydi.

Dorivor mavrakni shifobaxsh xususiyatlari. Yangi mevalaridan olingan suvi me'da va o'n ikki barmoq ichak yara kasalligida, gipoatsid gastritlar, spastik kollitlarda buyuriladi, yuqori nafas yo'llari kasalliklarida asalga aralastirib beriladi. Qandli diabet, revmatizm, podagra, limfa bezlari sili, sistit, buyrak-tosh kasalligi, shamollash kasalliklarida, shuningdek siydik haydovchi vosita tariqasida qoraqat barglarini damlab, choy o'rnida ichish buyuriladi. Dorivor mavrakni kurtaklari bilan mevalarini musallasga solib damlab ichilsa, surgi bo'ladi. Shakar sepib yeyilsa odam ko'ngli ochilib, ruhi tetiklashadi. [2,3]

Jigar kasalliklari, bavoasil, ayollar kasalliklari, buqoqda dorivor mavrak gullaridan tayyorlangan qaynatma ham surkaladi. Tabobatda qoraqat barglari va mevalaridan yallig'lanishga qarshi terlatadigan, siydik xaydaydigan, ich surishin to'xtatadigan (chunki tarkibida oshlovchi modda bor) ta'sir korsatishi, shuningdek pektinlari shilimshiq hosil qilib, surgi o'rmini bosishi aniqlangan. Dorivor mavrakni barglaridan tayyorlangan damlama organizmdan ortiqcha uran va oksalat kislotalar chiqib ketishiga yordam beradi. Dorivor mavrakni yurak qon-tomirlar sistemasi, me'da ichak yo'li ishini jonlantirib, organizmning himoya kuchlarini oshiradi, kapillyarlar o'tkazuvchanligini kamaytirib, markaziy nerv sistemasidagi qo'zg'alish jarayonlarini susaytiradi [6].

Dorivor mavrakni barglari va mevalari choy qilib damlab ichiladigan turli yig'malar tarkibiga kiradi. Dorivor mavrakni turli infeksiyon kasalliklar vaqtida me'da yora kasalligidan sog'ayib kelayotgan kishilarga, gipoatsid gastritlar, gipertoniya kasalligida ko'p buyuriladi hatto mevalarini yuvib 100 gm dan ho'lligicha yeyish tavsitya etiladi [3]. Qoraqat barglari va uning yosh novdalaridan tayyorlangan qaynatma bilan teri sili, shirincha va diates kasalliklariga chalingan bolalar cho'miltiriladi. Dorivor mavrak mevalari yoki meva qaynatmasi yurak, buyrak, oshqozon – ichak kasalliklarida foydali bo'lishi bilan birgalikda, terlatuvchi hamda siydik haydovchi omil hisoblanadi [5].

Dorivor mavrakning barglaridan tayyorlangan damlama siydik haydovchi hamda buyrakdagi toshlarni tushiradi. Tibbiyotda qora qoraqat mevasi va bargi ekzema, bo'g'im og'riqlari, furunkul yaralar, buyrak – tosh kasali, sistit, shamollash kasalliklarini davolashda ishlatiladi. C vitamin yetishmaganda, singa, kamqonlik enterontolitda muntazam iste'mol qilinadi. Gipertonik kasali bilan kasallangan bemorlarga har kuni 200- 250 g qora dorivor mavrakning yangi uzilgan mevasini iste'mol qilish, anemiya kamqonlik kassalida muntazam ravishda mevasini, sharbatini iste'mol qilish tavsiya etiladi. Qandli diabet bilan kasallangan bemorlarga quyidagicha iste'mol qilish tavsiya etiladi: 1 oshqoshiq (20 g) soyada quritilgan qora qoraqat barglarini 1 stakan qaynoq suvga solib 15-20 minut tindiriladi va ovqatdan oldin kuniga 3-4 marta iste'mol qilinadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. S.S.Sahobiddinov. O'simliklar sistematikasi. Toshkent: O'qituvchi. 1996, 253- 254 b.
2. Xolmatov X.X., Ahmedov O'.A. Farmakognoziya Toshkent: Ibn Sino nomidagi NMB, 1995. 218b.
3. Растительные ресурсы СССР: Цветковые растения, их химический состав, использование: Семейство (Lamiaceae). - СПб. : Наука, 1993, т.2, 628с.
4. Байкова Е.В., Королук Е.А., Компонентный состав эфирных масел некоторых видов рода Salvia L., выращенных в условиях Новосибирска (Россия) // Химия растительного сырья, 2002. № 1.С. 3742.
5. Ascensao L., Glandular trichomes on vegetative and reproductive organs of Leonotis leonurus (Lamiaceae) // Ann. Bot., 1995. V. 75. N. 6. P. 619-626.
6. Nakiboglu M. The classification of the Salvia L. (Labiatae) species distributed in West Anatolia according to phenolic compounds // Turk. J. Bot., 2002. V. 26. P. 103-108.

O'UK: 633.113.1

BUG'DOY NAVLARINING GULLASH FAZASIDA SUV ALMASHINUV XUSUSIYATLARI

D.N. Qodirova, dotsent, b.f.n., TerDU, Termiz
X.Q. Jumayev, katta o'qituvchi, b.f.n., TerDU, Termiz
Sh.M. Fozilov, o'qituvchi, TerDU, Termiz

Annotatsiya. Surxondaryo viloyati tuproq-iqlim sharoitida turli bug'doy navlarining gullash fazasida suv almashinuv xususiyatlari o'rganildi.

Kalit so'zlar: bug'doy navlari, o'sish, rivojlanish, don, transpiratsiya, ekologik omillar

Аннотация. Изучены водообмен видов пшеницы в фазе цветения в условиях Surxandaryo viloyati.

Ключевые слова: пшеница, рост, развитие, зерно, транспирация, экологические факторы

Abstract. it has been learned features of water exchange during the flowering phase of wheat varieties in soil climatic condition in Surkhandarya region

Key words: Triticum v. growth, development, number of grain, transpiration, ecological factors.

Hozirgi kunda viloyat sharoitida yetishtirilayotgan bug'doylar bir necha navlardan iborat bo'lib, ular umumiy hosildorligi va hosil sifatlari bilan bir- biridan farq qiladi. Ayrim yillarda yog'ingarchilik kam bo'lishi va sug'orish uchun ishlatiladigan suvlarning ham rejadan kam bo'lishi umumiy hosil miqdoriga va

sifatiga salbiy ta'sir etadi. Shuning uchun ham bug'doy navlarining qurg'oqchilikka chidamlilik darajasini aniqlash va nisbatan chidamli navlarni ishlab chiqishga tavsiya etish dolzarb muammo bo'lmoqda.

O'simliklarning suv almashinuv xususiyatlari ularning o'sishi, rivojlanishi, hosildorligi va hosil sifatini ta'minlaydigan asosiy ko'rsatgichlardan biri bo'lib hisoblanadi [4].

O'simliklar hayotida suvning o'rni. O'simliklar to'qimalari tarkibining 70-95% suvdan iborat. O'simlikning barcha organlarida suv bo'ladi: bargda-90%, novdada-70-80%, ildizda-50-60%, urug'da-10%, vakuolada-98%, sitoplazmada-80%, qobiqda-50% atrofida suv uchraydi. Ayrim ho'l mevalarda juda ko'p: pomidorda-94%, tarvuzda-92% gacha suv bo'ladi [1,3].

Yuqoridagi ma'lumotlardan kelib chiqqan holda, biz bug'doy navlarining suv almashinuv xususiyatlarini, ularning o'sish va rivojlanish fazalari bo'yicha o'rgandik.

1- jadval

№	Navlar	Barglarda:			
		Umumiy suv miqdori, %	Transpiratsiya jadalligi, g/m ² s	Suv taqchilligi, %	Suv saqlash qobiliyati, %
1.	Andijon-1	75,6	25,0	6,8± 0,04	6,09± 0,03
2.	Andijon-2	77,3	21,1	6,3± 0,01	5,33± 0,04
3.	Asr	78,2	20,0	6,5± 0,03	5,63± 0,03
4.	Omad	78,9	16,7	5,0± 0,05	3,94± 0,02
5.	Grom	82,4	13,2	4,5± 0,02	3,37± 0,05
6.	Tanya	84,4	10,5	2,5± 0,01	2,59± 0,04

Omad bug'doy navi bargida umumiy suvning miqdori 78,9% ga teng bo'lib, Andijon 1 naviga nisbatan 3,3% ga ko'p ekanligi kuzatildi. Grom navining umumiy suv miqdori 82,4% ga teng bo'lib, Andijon 1 ga nisbatan 6,8% ga ko'p ekanligi aniqlandi. Tanya bug'doy navida 84,4% suv bo'lib, u Andijon 1 naviga nisbatan 8,8% ko'pligi aniqlandi.


Bu ma'lumotlardan aniqlanishicha, Andijon 1 bug'doy navining barglaridagi suv miqdoriga nisbatan Tanya bug'doy navining barglarida suv eng ko'p bo'lishi va boshqa navlar oraliq o'rinda ekanligi aniqlandi.

O'simlik barglarida sodir bo'ladigan transpiratsiya jadalligi ham o'simliklarni suv almashinuv xususiyatlaridan biri hisoblanadi. Jadvalda ko'rsatilgan (1-jadval) ma'lumotlardan aniqlanishicha Andijon 1 bug'doy navining barglarining 1 m² barg sathida 1soat davomida 25,0 g suv parlatilgan bo'lsa shu muddatda Tanya bug'doy navining barglaridan 10,5 g suv bug'langan, ya'ni shu muddatda Tanya navi Andijon naviga nisbatan 14,5 g suv kam bug'latgan. Qolgan navlar ham oraliq o'rirlarni egallab Andijon 1 naviga nisbatan kamroq suv bug'latgan, ya'ni Andijon 2 navi 3,9 g, Asr navi 5,0 g, Omad navi 8,3 g, Grom navi 11,8 g kam suv bug'latgan. Bu ko'rsatgich navlarning transpiratsiya jadalligi bo'yicha ham bir-biridan keskin farq qilishini ko'rsatadi.

Bug'doy navlari barglaridagi suv taqchilligi ham nav xususiyatlariga bog'liq holda o'zgaradi. Andijon 1 navining barglarida suv taqchillik 6,8% ga teng bo'lsa, Andijon 2 naviniki 6,3% teng bo'lib, u Andijon 1 naviga nisbatan nisbatan 0,3%, Omad navida 1,8%, Grom navida 2,3% va Tanya navida 4,3%. Andijon 1 bug'doy navi barglariga nisbatan suv taqchilligi kamroq ekanligi aniqlandi.

Huddi suv taqchilligiga o'xshash barglarining suv saqlash qobiliyati ham o'simliklarning qurg'oqchilikka chidamlilik darajasini xarakterlaydigan eng muhim ko'rsatkich hisoblanadi. Andijon 1 bug'doy navi barglarining suv saqlash qobiliyati boshqa navlarga nisbatan eng past bo'lib, 1 soat davomida sarflagan suv miqdori 6,09% ga teng bo'lsa, Andijon 2 bug'doy navi shu muddatda 5,33% suv sarflagan va ular o'rtasidagi farq 0,76% ga teng.

Asr bug'doy navi barglaridan sarflagan suv miqdori 5,63% ga teng bo'lib, u 0,46% ga kamroq, Omad bug'doy navining barglari shu muddatda 3,98% suv bug'latgan bo'lsa, Andijon 1 naviga nisbatan 2,15%, Grom bug'doy navi 1 soatda 3,37% suv bug'latib Andijon 1 ga nisbatan 2,72% va Tanya bug'doy navi 1 soat davomida 2,59% suv bug'latib, Andijon 1 navidan 3,5% kam suv bug'latgan.



1 – rasm. Bug'doy navlarining gullash fazasidagi umumiy suv miqdori

Bu ma'lumotlar Andijon 1 bug'doy navining suv saqlash qobiliyati eng past, Tanya bug'doy navining suv saqlash qobiliyati eng yuqori ekanligini ko'rsatadi. Qolgan navlar suvni saqlash qobiliyati bo'yicha oraliq o'rinni egallaydi. Shunday qilib bug'doy navlarining suv almashinuv xususiyatlariga asoslangan holda ularning qurg'oqchilikka chidamligi darajasini quyidagi tartibda joylashtirish mumkin: Andijon 1 < Andijon 2 < Asr < Omad < Grom < Tanya, ya'ni o'rganilgan navlar o'rtasida Andijon 1 navining qurg'oqchilikka chidamligi eng past bo'lsa, Tanya bug'doy navining qurg'oqchilikka chidamliligi eng yuqori va qolgan variantlar oraliq o'rinda joylashgan.

Bug'doy navlarining qurg'oqchilikka chidamlilik darajasini ko'rsatuvchi eng muhim fiziologik jarayon barglaridagi umumiy suv miqdoridir. Boshqa ko'rsatgichlarga nisbatan bu ko'rsatgich to'g'ridan-to'g'ri navlarning qurg'oqchilikka chidamlilik darajasini xarakterlaydi. Bizning tajribamizda olingan bu ma'lumotlar 1-rasmda yanada aniqroq tasvirlangan. Bug'doy navlarining qurg'oqchilikka chidamlilik darajasini tasvirlovchi, ya'ni ularning umumiy suv miqdori bo'yicha to'plangan ma'lumotlar ko'rsatishicha barcha o'rganilgan navlar o'rtasida nisbatan qurg'oqchilikka chidamli nav bo'lib Tanya navi hisoblanadi. Bu navning barglaridagi umumiy suv miqdori 84,4% ekanligi aniqlandi. Nisbatan chidamsiz hisoblangan Andijon-1 bug'doy navi barglarida umumiy suv miqdori 75,6% teng. Qolgan navlar oraliq o'rinda joylashgan.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Вавилов П.П. Ўсимликшунослик. Тошкент. Ўқитувчи. 1980. 630 б.
2. Аманов А.А. Качество зерна коллекционных образцов пшеницы//Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2005, №3, 16-17 б.
3. Амонов М.А. Устойчивость пшениц Узбекистана к неблагоприятным факторам среды. Ташкент. Фан. 1978.- 92 с.
4. Амонов А, Нурбеков А.И. Зависимость урожая от некоторых морфологических особенностей листьев озимой пшеницы в орошаемых условиях Узбекистана//Углубление интеграции образования, науки и производства в сельском хозяйстве Узбекистана. Доклады международной научно-практической конференции. Тошкент.2003. с.233-236

ЎУК 581.4+582.998. (575.151)

ТИРНОҚГУЛНИНГ (*CALENDULA OFFICINALIS L.*) МОРФОБИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

А.М. Бегматов, б.ф.н., ТерДУ, Термиз
 Д.Ж. Қорабоева, ўқитувчи, ТерДУ, Термиз
 А.Э. Шарипов, магистр, ТерДУ, Термиз
 М.У. Рахматова, ўқитувчи, ТерДУ, Термиз

Аннотация. Термиз шаҳри шароитида *Calendula officinalis* ning ўсиши ва гуллаш биологияси ўрганилди. Суткалик гуллаш динамикаси ва чанг доначасининг фертиллиги аниқланди. Уруғларни сақлаш бўйича тавсия берилди.

Калит сўзлар. *Calendula officinalis L.*, ўсиши хусусияти, гул биологияси, чанг доначаси, уруғ.

Аннотация. В условиях город Термеза изучалось исследование роста и цветения *Calendula officinalis*. Определены динамика суточного цветения и фертильности пыльцы. Даны рекомендации по хранению семян.

Ключевые слово. *Calendula officinalis* L., особенности роста, биология цветения, зерно пыльцы, семена.

Abstract. In Termez city, the study of the growth and blossoming of *Calendula officinalis*, was studied. Dynamics of daily flowering and pollen grain fertility were determined. Recommendations on keeping seeds are given.

Keywords. *Calendula officinalis* L., growth feature, flower biology, pollen grain, seeds.

Ҳозирги пайтда фойдали хусусиятларга эга ўсимликларнинг интродукцияси ва уларни янги муҳит шароитида маданийлаштириш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Жамиятимизнинг жадал ривожланиш босқичида аҳоли фаровонлигини ошириш учун ўсимлик хом-ашёларидан озиқ-овқат, фармацевтика, тиббиёт соҳаларида унумли фойдаланиш масалаларини ҳал қилиш долзарбдир. Маълумки дунё миқёсида фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқарилаётган дори воситаларининг тахминан 60% и доривор ўсимликлар хом ашёсидан тайёрланмоқда. Доривор ўсимликларнинг 111 тури илмий асосда тасдиқланган ва ишлатишга руҳсат берилган бўлиб, фармакопияга киритилган [2]. Таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда мамлакатимизда фармацевтика саноати ва дорихоналарни ўсимликлар хомашёси билан таъминлаш мақсадида ихтисослашган фермер, ўрмон ва бошқа мулкчилик шаклидаги хўжаликларидан энг кўпи билан 42 тагача доривор ўсимликлар турлари ўстирилади.

Кўп ишлатиладиган доривор тирноқгул (*Calendula officinalis* L.) кўп йиллик ўсимлик бўлиб, қоқиўтдошлар (*Asteraceae*) оиласига мансуб. Бу ўсимликнинг баландлиги 30- 60 см га етади, ватани Жанубий Европа ҳисобланади. Оиланинг 20 дан ортиқ турлари маълум, асосан ўрта ер денгизи, Эрон ва Канар оролларида кенг тарқалган. Ер юзининг кўпчилиги давлатларида манзарали ва доривор ўсимлик сифатида парвариш қилинади. Ўсимликнинг ер устки новдалари тик бўлиб шохланган, поя ва барглари туклар билан қопланган. Ёруғсевар ўсимлик тирноқгулнинг жуда кўп навлари етиштирилган. Унинг гуллари сариқ ёки оч қизил рангда бўлади. Гуллари сабатда шаклланади ва хушбўй ҳид таратади. Халқ табобатида тирноқгул жигар, ошқозон, сийдик қопи, йўтал, гипертония, рахитни даволашда ишлатилади. Ривожланган давлатларда ёғ, мойлар ўрнини босадиган моддаларга хўшбўй ҳид беришда ва уларни бўяшда фойдаланилади. АҚШ ва Англияда тирноқгул турли хил овқатларга: шўрва, салатлар ва тушёнкали овқатлар тайёрлашда ишлатилади. Латвияда тирноқгул бошқа ўт ўсимликлардан тайёрланадиган тури хил дамлама ва қайнатмалар таркибига киритилган.

Тадқиқотда Термиз шаҳри шароитида доривор тирноқгул муртак органларининг ўсиш хусусиятлари ўрганилди. Тажрибанинг биринчи кунларида муртак органларининг ўсиши фаол бўлмади, 20-25 кундан сўнг эса бирмунча жадал ўсиши аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Уруғларнинг бўртиш давридаги муртак органларининг ўсиши ва ривожланиши

Уруғ экилгандан кейинги кун	Узунлиги, см		
	муртак	уруғпалла барг	гипокотил ва илдизча
8	0,5 ± 0,02	0,5 ± 0,03	0,7 ± 0,04
11	1,5 ± 0,05	0,7 ± 0,03	0,9 ± 0,05
14	2,4 ± 0,06	0,9 ± 0,04	1,2 ± 0,05
17	2,4 ± 0,07	1,3 ± 0,05	1,7 ± 0,3
20	3,5 ± 0,08	1,8 ± 0,05	2,4 ± 0,05
23	4,1 ± 0,05	2,2 ± 0,05	3,1 ± 0,5

Гулнинг морфологияси ва биологияси. *Calendula officinalis* гуллари новдадаги сабатчаларда жойлашган бўлиб, мураккаб шингилга йиғилган. Гуллари икки жинсли, найсимон, тўғри (актиноморф), 5 тадан эркин жойлашган, гултожибарглари сариқ - қизғиш. Сабатча ўрама баргдан ҳосил бўлиб, унда гуллар тўпланган. Косачабаргчаси йўқ, унинг ўрнида, яъни тугунчанинг устки қисмида тукчалардан иборат попук жойлашган. Андроцей 5 та чангчи гуллар йиғиндисидан иборат, чангчи гулининг иплари эркин, туксиз, цилиндрсимон [1]. *Calendula officinalis* нинг гулида чангчи гуллари уруғчи гулларга нисбатан олдин етилади. Гулнинг очилиш пайтида устунча чўзилади ва чанг доналарини қабул қилади. Устунчанинг юқори қисмида қисқа ва ўрта қисмида эса нисбатан узун

сурғичлар мавжуд. Айнан устунчанинг ўрта қисмидан униб чиққан ва тармоқланган кўплаб чанг найлари кузатилди. Чанг донасининг етилганлигини (фертиллиги) гуллашнинг бошланишида паст ($85 \pm 2,3\%$), ялпи гуллаш пайтида юқори ($90 \pm 2\%$) ва гуллаш якунида эса ўртача ($88 \pm 2,2\%$) эканлиги аниқланди. *Asteraceae* оиласи учун энтомофилия усули ва ксеногам типи характерлидир.

СУТКАЛИК ГУЛЛАШ ДИНАМИКАСИ. Интродуцентларнинг янги шароитда гуллаши ва уруғ ҳосил қилиши адаптациянинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Ўсимликларнинг экологик омилларга бўлган талаби янги шароитга мос тушгандагина бу ўсимлик гуллайди, уруғ ҳосил қилади ва пировардида авлод қолдиради. Бу эса жуда кўплаб ўтказилган илмий тадқиқотларда ўз ифодасини топган. Иқлимлаштирилган ўсимликларнинг гуллаш биологияси кўпгина олимлар томонидан ўрганилган. *Asteraceae* оиласи вакилларида гуллар очилиши кетма-кетлигининг умумий тартиби марказдан қочувчи бўлади. Тадқиқотларда *Calendula officinalis* тўпгулида гуллаш кетма-кет равишда ёки бир вақтнинг ўзида бирданига саватчада 5-6 гул очилиши кузатилди. Гул очилгандан кейин уруғчи тумшукчаси чангланишга 6-7 соатдан кейин тайёр бўлади ва 1,5-2,0 кун давомида ўз ҳаётчанлигини сақлаб туради. Ўсимликларнинг гуллаш даври унинг келиб чиқишига, биологик хусусиятига, баҳор мавсумининг эрта ёки кеч келишига боғлиқ бўлиб, гуллаш давомийлиги ўсимлик ўсаётган ҳудуднинг об-ҳаво шароитига ва агротехник тадбирларга боғлиқ.

Сурхондарё шароитида 2016 йил март ойида *Calendula officinalis* гулининг очилиш вақтини аниқлаш мақсадида сават ўрама барги ташқи қобиғининг ёрила бошлаганидан ва сават ичида очилмаган гулнинг учки қисми кўриниб турганидан белгилаб олинди.

Тадқиқотлар *Calendula officinalis* нинг битта гули 6-8 кун, саватдаги барча гуллар 12-15 кун, генератив новда ва ўсимликда 30-35 кун давомида гуллаб туришини кўрсатди. Суткалик гуллаш динамикасини ўрганиш учун ҳар бир тупдаги очилган гуллар сони ҳисобланди. *Calendula officinalis* гуллари фақат кундузи очилди. Кундузи ҳаво ҳароратининг кўтарилиши ва ҳаво нисбий намлигининг пасайиши билан очилаётган гуллар сони кўпайиб борди. Гулларнинг очилиши 7° дан 18° гача давом этиши қайд этилди. *Calendula officinalis* тупида ялпи гуллаш даврида саватда ўртача 11 дона гуллар очилди. Барча кузатишларимизда соат 10-14 да кўп миқдорда гулларнинг очилиши, энг кўп очилиш эса соат 12 да бўлиши аниқланди. Бу вақтда ҳаво ҳарорати $16-20^{\circ}\text{C}$, ҳаво нисбий намлиги 60-70% ни ташкил этди. Айни шу пайтда асалари, ёввойи арилар ва ҳар хил турдаги капалакларнинг ўсимликнинг гулларига қўниши, келиб кетиши фаол бўлди. Ҳаво ҳароратининг пасайиши ва ҳаво нисбий намлигининг кўтарилиши билан очилаётган гулларнинг сони камайиб борди. Бу жараён сутканинг соат 7-9 гача ва 17-18 гача бўлган вақтларда кузатилди. Қуёш ботиши билан гуллар очилиши ҳам тўхтади. *Сурхондарё вилояти шароитида кун узунлигининг қисқа бўлиши вақтида, яъни баҳор ва куз фаслида суткалик ҳаво ҳароратининг кўтарилиши ($19-22^{\circ}\text{C}$), ҳаво нисбий намлигининг камайиши (60-65%) гуллар очилишининг кўпайишига таъсир этди.*

Хулоса ва тавсиялар. 1. *Calendula officinalis* учун кундузи гуллаш типи характерли (7 дан 18 гача), соат 12-14 да $\text{XX} + 16-+20^{\circ}\text{C}$ ва XНН 60-70% да максимум бўлади. Соат 18 да $\text{XX} + 11-+15^{\circ}\text{C}$ ва XНН 75-82% да гуллаш якунланди.

2. Сурхондарё вилояти шароитида ўсимликнинг асосий уруғ массаси июн ойида пишиб етилади. Ўсимлик учун анемохория типи хос хусусият ҳисобланади. Пишиб етилган уруғларни матоли қопларда атмосфера ҳавоси мавжуд бўлган хонада сақлаш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Федоров А.А., Артюшенко З.Т. Атлас по описательной морфологии высших растений. Цветок. – Л.: Наука, 1975. – 349 с.

2. Хожиматов Қ.Х., Хожиматов О.Қ. Ўсимлик ва табобат // Ботаника, экология, ўсимликлар муҳофазаси: Халқаро илмий-амалий конференция

ЎУК 581.4+582.998. (575.151)

ТЕРМИЗ ШАҲРИ ШАРОИТИДА ЛОЛА ДАРАХТИНИНГ (*LIRIODENDRON TULIPIFERA* L.)

ЎСИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

А.М. Бегматов, б.ф.н., ТерДУ, Термиз

А.Э. Шарипов, магистр, ТерДУ, Термиз

М.У. Рахматова, ўқитувчи, ТерДУ, Термиз

Аннотация. Илк марта Термиз шаҳри шароитида *Liriodendron tulipifera* дарахтининг ўсиш хусусиятлари ва фенологик ривожланиши ўрганилди. Олинган илмий натижаларга асосланиб интродукция шароитида ўсимликни ўстириш мумкинлиги тўғрисида тавсия берилди.

Калит сўз. *Liriodendron tulipifera* L., ўсиш кўрсаткичи, фенология, вегетация, метеорологик омиллар.

Аннотация. Впервые в городе Термезе был изучен рост и фенологическое развитие дерева *Liriodendron tulipifera*. Исходя из полученных научных результатов, было рекомендовано выращивать растение в условиях интродукции.

Ключевые слова: *Liriodendron tulipifera* L., показатель роста, фенология, растительность, метеорологические факторы.

Abstract. For the first time in the city of Termez was studied the growth and phenological development of the *Liriodendron tulipifera* tree. Based on the obtained scientific results, it was recommended that the plant should be grown under introductory conditions.

Key words: *Liriodendron tulipifera* L., growth indicator, phenology, vegetation, meteorological factors.

Мавзунинг долзарблиги. Атроф муҳитни химоя қилиш, ўсимлик ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шаҳарлар ва бошқа аҳоли яшайдиган манзилларни кўкаламзорлаштириш ҳамиша башарият олдидаги долзарб вазифалардан бири бўлган ва шундай бўлиб келмоқда. Манзарали ўсимликлар инсонга яхши кайфият ва кўтаринки руҳ бағишлашидан ташқари, атроф муҳит ҳавосини тозалашда, шовқинни ва ёзининг жазирамасида ҳароратни пасайтиришда, уни намлаб туришда бошқа воситалар билан алмаштириб бўлмайдиган даражада катта аҳамиятга эга [1]. Кўкаламзорлаштириш кўлами – аҳоли яшаш маданиятидан далолат беради.

Инсон саломатлиги учун энг мўътадил бўлган об-ҳаво муҳити – ҳарорат +20 +22°C ва ҳавонинг нисбий намлиги 40-60% бўлган ҳолда, ҳаво тоза ва кислород билан бойиган бўлишидир.

Бундай манзарали интродуцентлар қаторига кирувчи лола дарахтининг (*Liriodendron tulipifera* L.) келгусида мамлакатимиз халқ хўжалигида, жумладан, аҳоли соғлиғини сақлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиши аниқ. Ўзбекистон иқлим шароитида лола дарахтини ўстириш имконияти муаммонинг долзарблигини белгилайди.

Кўкаламзорлаштиришда қўлланиладиган манзарали дарахтлар ва буталар турларини кенгайтириш, ўлкамиз шароитларига мослаша оладиган нав ва шакллари излаб топиш, илмий даражада асосланган технология бўйича парваришлашни татбиқ этиш – бугунги куннинг долзарб масалаларидан саналади. Ўзбекистонда дендрология фанини ривожлантириш устидаги илмий ишлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ботаника боғи, Ботаника институти, Ўзбекистон ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти, Тошкент давлат аграр университетининг ўрмончилик кафедраси ва бошқа илмий ташкилотларда олиб борилди. Ўзбекистонда бу фанга катта хисса қўшган йирик олимлардан Русанов Ф.Н., Славкина Н.Т., Усмонов А.У., Озолин Г. П. ларни санаб ўтиш мумкин.

Ботаник тавсифи. Лола дарахти (*Liriodendron tulipifera* L.) бундан 400 млн йил аввал пайдо бўлган уруғли ўсимликларнинг эволюцион энг қадимий туридир. Лола дарахти туркумини сўзи *Liriodendron* грекча бўлиб, *leirion* - лилия ва *dendron* - дарахт маъносини англатади.


Магнолиядошлар (*Magnoliaceae*) оиласига мансуб *Liriodendron tulipifera* - лола дарахти номи билан машҳур бўлиб, шимолий Америкада тарқалган. Табиий шароитда *Liriodendron chinense* тури жанубий Хитой ва Вьетнамда тарқалган. Лола дарахтининг иккала турлари ҳам тез ўсиши билан тавсифланади. Лола дарахтининг ватани шимолий Америка, баландлиги 25-36 метргача етади, 400 йилгача яшайди. Бу оилага, одатда, барги йирик, навбатлашиб жойлашган, чети текис дарахт ва буталар қиради. Уларнинг айрим турлари кузда баргини тўқади, бошқалари тўкмай, доим яшилликгича қолади. Уларнинг гули йирик, баъзи турларининг меваси сершира. Оиланинг асосий туркуми: магнолия (*Magnolia*) ва лола дарахт (*liriodendron*) дир. Лола дарахт (*Liriodendron*) туркумига учта тур қиради. Улардан энг муҳими лола дарахти (*Liriodendron tulipifera* L.) дир. Унинг бўйи 30 метрга, диаметри 2 метрга етади. Танасининг пўстлоғи ёрилган, типик кул рангда, шох-шаббаси овал ёки кенг пирамида шаклида. Новдалари қўнғир кул рангда, икки ёшидан бошлаб оқиш пўст ташлаб туради. Барглари оддий лирасимон шаклда, яшил зангори рангда, навбат билан жойлашади [2].

Гуллари лоланинг гултожисига ўхшайди, узунлиги 5 см, оч сариқ ёки пушти яшил рангда. Уларнинг гули оддий, гултожисимон гулкурғонидан ёки гултож ва гулкосача баргларига дифференциаллашган, аксарият қисми тўғри (актиноморф) гулли, спирал, гемициклик ёки циклик тузилишли, чангчиси кўп сонли. Гинецейи апокарп. Гули икки жинсли, энтомофил - ҳашаротлар ёрдамида чангланади. Мева барглари кўп сонли ёки битта. Меваси кубба шаклида бўлиб, кузда етилади. Поя ва барг паренхимаси махсус эфир мойлари билан тўла, хужайраларида идеобластлар мавжуд. Кузда барглари сарғайиб тўкилади. Куббасимон меваси қанотчага ўхшаш қисмлардан

ташқил топган бўлиб, ҳар қайси қанотча ичида уруғ жойлашади. Меваси кузда етилгач кубба тўкилиб, қанотчалари ажралади ва шамол воситасида тарқалади. Уруғни экишдан олдин уруғни стратификация қилиш лозим.

Ўсиш ва фенологик ривожланиш. Ҳозирги пайда лола дарахти Ўзбекистоннинг турли муҳит шароитларида манзарали дарахт сифатида ўстирилмоқда. Жумладан, Термиз шаҳри шароитида ҳам яхши ўсиш кўрсаткичига эга бўлиб, чиройли гул ҳосил қилади. Манзаралик хусусиятидан ташқари поясининг ёғочидан товуш ўтказмайдиган буюмлар ясашда ҳамда қоғоз саноатида фойдаланилади. У ниҳоятда чиройли дарахт бўлганлиги учун кўкаламзорлаштиришда кенг ўстирилади.

Термиз шаҳри шароитида Лола дарахтининг яхши ўсаётганлигини кўриш мумкин. Аммо ушбу интродукция ҳудудида илмий жиҳатдан унинг уруғларининг униши, ниҳолларининг ўсиши ва ривожланиши етарлича ўрганилмаган. Кузатиш тадқиқотлари “Ат-Термизий зиёротгоҳи” ва “Дўстлик хиёбони” ҳудудларида олиб борилди. Икки жойда ўсаётган 3 ёшли ўсимликларнинг новдаси ўртача кўрсаткичлари куйидаги расмда келтирилган. Термиз шароитида лола дарахтининг вегетацияси март ойидан бошланди. Поянинг жадал ўсиши апрель ойининг иккинчи ўн кунлигидан (20.04.2017) бошланиб, май ойининг охирида эса (30.05.2017) 25 см га етганлиги кузатилди.



1-расм. *Liriodendron tulipifera* L. нинг ўсиш динамикаси

Фенологик кузатишлар интродукция қилинган ўсимликларни ўрганишда энг қулай ва самарали методлардан биридир. Фенологик кузатишлар нафақат турли фазаларнинг ўтиш муддатларини белгилашда, балки ўсимликларнинг чидамлилиги, маҳсулдори, манзара ҳосил қилиши, шунингдек, улардаги ҳаётий жараёнларнинг маромини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Турли географик жойлардан келиб чиққан турлар вегетация даврини маълум кетма - кетликда бошлайди, бу эса баҳорнинг қандай келишидан қатъий назар сақланиб қолади. Ҳароратнинг асосий омил бўлгани ҳолда мазкур жараён ўсимликнинг табиий ареалида мустахкамланган генотипик хусусиятлар томонидан бошқариб борилади. Ўсимликнинг мавсумий ривожланиш мароми ташқи муҳит таъсирида турнинг тарихий тараққиётини акс эттиради. Ҳар йилги метеорологик омиллар (иссиқлик, ёғингарчилик, атмосферанинг нисбий намлиги ва бошқалар) ўсимликнинг мавсумий ривожланишига ўз таъсирини кўрсатиб туради. Интродукция шароитида ўсимликнинг табиий ареалидаги шароитига мос келганда, уларнинг яхши иқлимлашганлиги қайд қилинган. Турли ўсимликлар баҳорги вегетацияни турли пайтда бошлайди. Кўплаб илмий манбаларда у ёки бу турга мансуб ўсимликлар мавсумий ривожланиш даврини фойдали харорат йиғиндиси маълум даражага етганда бошланишини кўрсатувчи далилларни учратамиз. Фенологик кузатишлар натижасига кўра, Термиз шаҳри шароитида лола дарахтида 25 февралдан куртакларининг етилиши бошланди. Апрель, май ойи бошида гунчалаш кузатилди. Май ойи ўртасида гуллаш, июнь ойининг охиригача уруғларнинг

пишиб этилиши аниқланди. Қиш мавсумидаги манфий ҳароратнинг таъсири натижасида барглarning тўкилиши кузатилди ҳамда ўсимлик қишқи тиним даврига ўтди.

Хулосалар ва тавсиялар. 1. Термиз шаҳри шароитида *Liriodendron tulipifera* дарахти миқёсида ғунчалаш бошланиши ҳамда унинг давомийлиги сабабли гуллаш бир вақтда кузатилди, мевалаш бошқа фазаларга нисбатан бирмунча чўзилди.

2. *Liriodendron tulipifera* ning ўсиши март ойидан бошланди, апрель ойидан июнь ойи бошигача ўсиш фаол бўлди.

3. *Liriodendron tulipifera* ning интродукция шароитида ўсиш хусусиятига эга эканлиги, заракунандалар билан зарарланмаслиги туфайли Сурхондарё вилоятида ўстириш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ҳайитов И.Ю., Ёзиев Л.Х. Дуккакдилар оиласига мансуб дарахт ўсимликларини Жанубий Ўзбекистонда иқлимлаштириш ва уларнинг хўжаликдаги аҳамияти//конф. матер. Қарши, 1994. Б. 42 - 44.

2. Қаюмов А.К., Бердиев Е.Т. Дендрология.-Тошкент: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. - 336 б.

ЎУК 58.02

ГИДРОГЕЛЬ МАҲСУЛОТИНИ ТУРЛИ ХИЛ СУВ МАНБАЛАРИДА СОРБЦИЯ ЖАРАЁНИ

Н.Э. Джонибекова, кичик илмий ҳодим, Хоразм Маъмур академияси, Хива

Аннотация. Ушбу мақолада дистилланган, ариқ, ер ости (дренаж) сувларда муҳит рН га кўра турли ҳил гидрогелларнинг оптимал концентрацияси аниқланди. Таҷрибада Франциянинг AQUASORB, Германиянинг STOCKOSORB, Ўзбекистоннинг Мўъжиза гидрогелларидан фойдаланилганида, сув таркибларига кўра сорбция жараёни ҳам турлича бўлди. Гидрогелларни ўсимликларга қўллаганимизда суғориладиган сув таркибига кўра миқдорини ўзгартириш кераклиги аниқланди ва таҷрибада қўллаган уч ҳил гидрогелни турли сув манбаларига нисбатан қанча миқдорда қўллаш кераклиги ҳам ишлаб чиқилди.

Калим сўз: Сорбция, гидрогель, муҳит рН и, дистилланган сув, ариқ суви, ер ости (дренаж) суви

Аннотация: в данной работе была определена оптимальная концентрация гидрогелей с различным рН окружающей среды в дистиллированной, канавной и грунтовой воде. В эксперименте использовали гидрогели: французский AQUASORB, немецкий STOCKOSORB и узбекский Мўъжиза, процесс сорбции отличался в зависимости от состава воды. При применении гидрогелей на растениях было определено, что количество ирригационной воды необходимо было изменить, а также был разработан объем применения трех типов гидрогелей, использованных в эксперименте, против различных источников воды.

Ключевые слова: сорбция, гидрогель, рН окружающей среды, дистиллированная вода, поливные воды, подземные (дренажные) воды.

Abstract: in this work, the optimal concentration of hydrogels with different environmental pH in distilled, ditch and groundwater was determined. When the experiment was used by the French AQUASORB, German STOCKOSORB and the wonderful hydrogels of Uzbekistan, the sorption process differed in water content. When using hydrogels on plants, it was determined that the amount of irrigation water needed to be changed, and the scope of application of the three types of hydrogels used in the experiment against various water sources was developed.

Key words: sorption, hydrogel, environmental pH, distilled water, waste water, underground (drainage) water.

Сув танқислиги шароитида сув ресурсларидан фойдаланиш муаммоси бу нафақат республикамизнинг, балки бутун дунё ҳамжамияти олдида турган энг долзарб масалалардан биридир. Исроил, Нидерландия, АҚШ ва бошқа мамлакатларда суғоришни бошқаришни компьютерлашган тизимлари мавжуд, улар энг самарали нархлардаги хосил этиштириш учун автоматик равишда суғориш муддатларини ва нормаларини ҳисоблаб чиқади [1]. Сув танқис ҳудудларда қишлоқ хўжаликлари учун иқтисодий жихатдан кўп маблағ талаб қилмайдиган ресурс тежамкор технологияларни ишлаб чиқиш ва уларни жорий қилиш давр талаби ҳисобланади. Ресурс тежамкор инновацион ишланмалардан бири гидрогель гранулалари ҳисобланиб, сувни тежаш ва кам сарфлаб суғориш усулларида ҳисобланади. Гидрогель тупроқдаги намликни тўплаш ва ушлаб турувчи воситадир. Гидрогель намлик аккумуляторидир. У ўсимлик ва тупроқ кондиционеридир деб ҳам аталади.

Гидрогель полимер грануласи бўлиб, барчаси суперабсорбентлардир (САП). Суперабсорбент сувда эримайдиган гелларга айланиб, оғирлигидан 500 баравар кўп миқдорда (дистилланган сувда) сувни ютишга қодир [2,4]. Суперабсорбент паралел ва кўндаланг алоқаларга эга полимер занжирлардан иборат бўлиб, натижада полимер тармоғи ҳосил бўлади. Сув шу занжирларнинг бири билан алоқа қилганда осмос орқали молекула ичига тортилади ва шу жойда сақланади. Тупроқ қуриганида, полимер сўрилган сувнинг 95 % чиқаради ва бу камида тупроқда 5 йил давомида содир бўлади. Гидрогель ўсимликлар учун тавсия этилган дозаларда кўп миқдорда сув ва сувда эрувчан ўғитни сақлаб туришга қодир. Шу билан бирга, ўғитларни танлаб эритмага ўтказиш интенсивлиги сезиларли даражада камаяди, чунки ўғитлар полимер тармоғида сақланади ва натижада ўсимликлар узокроқ вақт давомида ўзлаштиради. Шу туфайли ҳосил кўпаяди ва пишиб етиш вақти камаяди [3].

Инновацион маҳсулотни қўллаган ҳолда “AQUASORB гидрогелини турли хил суғориш муддатларда Павловния ниҳолларининг ўсишига таъсири аниқлаш” мавзусидаги эксперимент ўтказиш режалаштирилди. Экспериментда гидрогелни қўллаш учун, тавсияларга асосан кўрсатилган миқдордаги сув билан аралаштириб, ҳосил бўлган аралашмага ниҳоллар илдизини бўктириб экиш керак эди. Маълумки ҳамма турдаги гидрогелдан 100% ли гел ҳосил бўлиши дистилланган сувга нисбатан олинган [2].

Тажрибада AQUASORB гидрогелдан гел ҳосил қилишда дистилланган сувдан эмас, балки ўсимликларни суғоришда қўлланиладиган ариқ сувидан фойдаландик. Бироқ кутилган аралашма ҳосил бўлмади. Гидрогелнинг концентрацияси сувга нисбатан кам бўлди.

Бу маълумотлар ўз навбатида бизда бир қатор саволларни пайдо қилади.

- Агар гидрогелнинг сорбция жараёни микроэлементлардан тозаланган сувда юқори бўлса, унда гидрогель билан экилган ўсимликларни суғоришда қўлланиладиган сув таркибига қараб, гидрогель миқдорини ҳам ошириб бориш керакми?

- Ҳар хил компанияларда ишлаб чиқилган гидрогелларни тенг миқдорда турли сув манбаларига қўлласак, бир хил сорбция жараёни кузатиладими?

Маълумки барча кишлок хўжалик экинларини суғоришда ариқ, ерости (дренаж) сувларидан фойдаланилади ва уларнинг қимёвий таркиби ҳам турличадир.

Шу мақсадда, турли хил сув манбаларида, қанча миқдорда гидрогелни қўллаш кераклигини белгилаш учун тажриба ўтказилди.

Тажриба Хоразм Маъмун академияси “Тупроқ фаунаси ва термитлар лабораторияси” да ўтказилади.

Сорбция жараёнини аниқлашда уч хил: дистилланган, ариқ, ерости (дренаж) сувлари қўлланилди. Турли компанияларда ишлаб чиқарилган Франциянинг AQUASORB, Германиянинг STOCKOSORB, Ўзбекистоннинг Мўъжиза гидрогелларидан фойдаланилди. Тажриба учта варианта олиб борилди.

1. AQUASORB варианты; 2. STOCKOSORB варианты; 3. Мўъжиза варианты

Тажрибани бажаришда керакли жихозлар: рН метр, аналитик тарози, шиша чашкалар, шиша таёқча.

Ишни бажариш тартиби: Дастлаб уч хил таркибга эга дистилланган, ариқ ва ер ости (дренаж) сувларини рН уч маротаба ўлчаниб, ўртача кўрсаткичи аниқланди. Дистрланган сувнинг рН 7, ариқ сувининг рН 8.5, ер ости (дренаж) сувининг рН муҳити 8.5 га тенг эканлиги рН метр ёрдамида аниқланди.

Биринчи AQUASORB варианты

Сигими 100 мл бўлган идишга рН 7 га тенг бўлган дистилланган сувга миқдори 1 гр, 1.5гр, 2 гр, 2.5гр, 3 гр гидрогель, иккинчи бешта идишга рН 8.5 бўлган 100 мл ариқ сувига 1 гр, 1.5гр, 2 гр, 2.5гр, 3 гр миқдорда гидрогел, учинчи бешта идишга рН 8.5 га тенг 100 мл ерости (дренаж) сувига ҳам 1 гр, 1.5гр, 2 гр, 2.5гр, 3 гр гидрогель солиб арлаштирилди. Ҳосил бўлган гелга қараб 100 % сорбцияга эга идишлардаги оптимал гидрогель концентрацияси аниқлаб олинди (1-жадвал).

Худди шу тартибда иккинчи вариантда STOCKOSORB гидрогели билан тажриба ўтказилди (2-жадвал). Учинчи вариантда эса Мўъжиза гидрогели қўллаган ҳолда тажриба ўтказилди (3-жадвал).

Такрорий вариант

Ҳар учта вариантда қўллаган 1 гр, 1.5гр, 2 гр, 2.5 гр, 3 гр гидрогел миқдори 100 мл сувда тўлиқ сорбция бўлмаган ҳолатда, гидрогель миқдори яна 0,25 гр дан 3 гр гача қўшимча қўшилди (4-жадвал).

AQUASORB варианты

1-жадвал

Гидрогель миқдори (гр)	Сув миқдори (мл)	Гидрогелни сув манбаларидаги тўлиқ сорбция кўрсаткичи (100%)		
		дистилланган сув рН 7	ариқ сув рН 8.5	ерости суви рН 8.5
1	100	100%	80%	40%
1.5	100	120%	100%	70%
2	100	130%	120%	90%
2.5	100	150%	140%	100%
3	100	170%	160%	110%

STOCKOSORB варианты

2-жадвал

Гидрогель миқдори (гр)	Сув миқдори (мл)	Гидрогелни сув манбаларидаги тўлиқ сорбция кўрсаткичи		
		дистилланган сув рН 7	ариқ сув рН 8.5	ерости сув рН 8.5
1	100	110%	70%	70%
1.5	100	120%	90%	90%
2	100	130%	110%	110%
2.5	100	140%	130%	120%
3	100	160%	150%	130%

Мўъжиза варианты

3-жадвал

Гидрогель миқдори (гр)	Сув миқдори (мл)	Гидрогелни сув манбаларидаги тўлиқ сорбция кўрсаткичи		
		дистилланган сув рН 7	ариқ сув рН 8.5	ерости сув рН 8.5
1	100	20%	10%	10%
1.5	100	30%	20%	20%
2	100	50%	30%	30%
2.5	100	60%	40%	40%
3	100	70%	50%	50%

Такорий вариант

4-жадвал

2-вариант					
№	Гидрогель миқдори (гр)	Сув миқдори (мл)	STOCKOSORB гидрогелини сув манбаларидаги тўлиқ сорбция кўрсаткичи (%)		
			дистилланган сув рН 7	ариқ сув рН 8.5	ерости сув рН 8.5
1	0.75	100	100%		
2	1.75	100		100%	100%
3-вариант					
№	Гидрогель миқдори (гр)	Сув миқдори (мл)	Мўъжиза гидрогелини сув манбаларидаги тўлиқ сорбция кўрсаткичи (%)		
			дистилланган сув рН 7	ариқ сув рН 8.5	ерости сув рН 8.5
1	4	100	100%		
2	5	100		100%	
4	6	100			100%

Турли рН муҳитга эга сувлар учун гидрогелни қўллаш миқдори

4-жадвал

Сув миқдор н (л)	Дистилланган сув рН 7			Ариқ суви рН 8.5			Ерости (дренаж) суви рН 8.5		
	AQUASORB, (г)	STOCKOSORB, (г)	Мўъжиза, (г)	AQUASORB, (г)	STOCKOSORB, (г)	Мўъжиза, (г)	AQUASORB, (г)	STOCKOSORB, (г)	Мўъжиза, (г)
0,100	1	0.75	4	1.5	1.75	5	2.5	1.75	6
1	10	7.5	40	15	17.5	50	20	17.5	60
10	100	75	400	150	175	500	200	175	600
100	1000	750	4000	1500	1750	5000	2000	1750	6000

Асосан мухит рН турлича бўлган дистилланган, ариқ, ерости (дренаж) сувларидаги турли гидрогелларнинг 100% сорбция учун сарфланадиган миқдори аниқланди. Бунга кўра биринчи вариантида, 100 мл дистилланган мухити рН 7 нейтрал бўлган сувга 1 гр гидрогел қўшганда тўлиқ сорбция кузатилди. Ариқ суви мухит рН 8.5 бўлганда, 1,5 гр ва ерости (дренаж) мухити рН 8.5 бўлган сувга 2,5 гр AQUASORB гидрогели сарфланди ва гидрогелнинг сув миқдорига нисбатан оптимал концентрацияси аниқланди. 1 гр, 1,5гр, 2 гр, 2,5гр, 3 гр миқдордаги гидрогелларни 100 мл сувга қўшганимизда 40% ли сорбциядан 170% гача куюқ геллар ҳосил бўлди (1-жадвал).

Иккинчи вариантда гидрогелнинг тўлиқ сорбция миқдори дистилланган рН 7 сувда, ариқ сувида рН 8.5 ва ерости (дренаж) суви рН 8.5 бўлганда, 100 мл сувга, биз тақсимлаган 1 гр, 1,5гр, 2 гр, 2,5гр, 3 гр миқдордаги STOCKOSORB гидрогели қўшганимизда 100 % сорбция кузатилмади (2-жадвал).

Учинчи вариантда Мўъжиза гидрогелини 100 мл сувга 1 гр, 1,5гр, 2 гр, 2,5гр, 3 гр аралаштирганимизда жуда кам гел ҳосил бўлди ва 100 % ли сорбция кузатилмади. Аралашма энг кам 10% дан 70% гача бўлган гелларни ташкил этди (3-жадвал).

Такрорий вариантда, иккинчи вариантда STOCKOSORB гидрогелини 100 мл дистилланган сувдаги оптимал концентрация миқдори 0,75 гр ташкил қилган бўлса, ариқ суви ва ерости (дренаж) сувининг рН 8.5 бўлганда 1,75 гр миқдорда қўшганимизда тўлиқ сорбция жараёни кузатилди. Учинчи вариантда оптимал концентрация дистилланган сувда рН 7 бўлганда 4 гр, ариқ суви рН 8.5 бўлганда 5 гр, ерости (дренаж) суви рН 8.5 бўлганда 6 гр Мўъжиза гидрогели қўшилганда ҳосил бўлди (4-жадвал).

Олинган натижаларга биноан Франциянинг AQUASORB, Германиянинг STOCKOSORB Ўзбекистоннинг Мўъжиза гидрогеллари турли сув манбаларида бир хил сорбция жараёни кузатилмади (1,2,3,4-жадваллар).

Ўсимликларни гидрогель қўллаб экилганда сув таркибига кўра, гидрогель миқдорини ошириб бориш кераклиги аниқланди. Олинган натижаларга асосан, 100 л дистилланган сувга 750 гр STOCKOSORB гидрогели сарфланса, ариқ сувида бу кўрсаткич 1 кг 750 гр ташкил қилди. Мўъжиза гидрогелида бу кўрсаткич 100 л дистилланган сувда 4 кг, ариқ сувида эса 5 кг бўлди. AQUASORB гидрогелидан эса дистилланган 100 л сувда 1 кг сарфланса, ерости сувида бу кўрсаткич 2 кг бўлди. Шу билан бирга “AQUASORB гидрогелини турли хил суғориш муддатларда павловния ниҳолларининг ўсишига таъсирини аниқлаш” мавзусидаги эксперимент натижасида ҳам гидрогель маҳсулотини ариқ сувининг концентрациясига биноан қўллаганимизда, тупроқларда ва субстратларда сув таъминотини доимий равишда ошириб борди. Суғориш частотасини 50% га камайтириб, ўғитлаш ҳаражатлари ҳам тежалди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. А.Н. Морозов “Мелиорация тўғрисида оммабоп” Bakteria press Тошкент 2016 й. – Б. 81-83
2. Gidrogel.ru/gidrogel_dla_rastenyi.htm
3. <https://nuz.uz>. Наука и технология
4. <https://ocvetah.life/preparaty/gidrogel>

УДК 581.4+8+45: 582.579.2

АДАПТИВНЫЕ ОСОБЕННОСТИ АССИМИЛИРУЮЩИХ ОРГАНОВ КРАСНОКНИЖНОГО *JUNO HIPPOLYTI* (VVED.) *KAMELIN* И ШИРОКОРАСПРАСТРАНЕННОГО *JUNO NARBUTII* (O. FEDTSCH.) VVED., ПРОИЗРАСТАЮЩИХ В УСЛОВИЯХ КЫЗЫЛКУМА

Г.М. Дусчанова, д.б.н., Институт Ботаники АН РУз, Ташкент

Н.К. Рахимова, к.б.н., Институт Ботаники АН РУз, Ташкент

М.Х. Рашиданова, Навоийский Государственный Университет, Навои

Аннотация. *Qizilqum cho'l sharoitida o'suvchi endem tur – J. hippolyti va keng tarqalgan tur – J. narbutii assimilyatsiyalovchi organlarining anatomik tuzilishi o'rganildi. O'rganilgan turlarning assimilyatsiyalovchi organlarida diagnostik belgilar, shuningdek, kseromorf va mezomorf belgilar aniqlandi. Aniqlangan strukturaviy moslashgan belgilar mazkur turlarning turli xil areal tiplariga (Turon hamda Tog'li O'rta Osiyo provinsiya) mansubligini tasdiqlaydi.*

Калит со'зи: *anatomiya, assimilyatsiyalovchi organ, J. hippolyti, J. narbutii, Qizilqum.*

Аннотация. *изучено анатомическое строение ассимилирующих органов у эндемического вида J. hippolyti и широкораспространенного вида J. narbutii, произрастающих в условиях Кызылкума. Выявлены диагностические признаки и определено различное сочетание ксероморфных и мезоморфных признаков ассимилирующих органов изученных видов. Выявленные структурно-адаптивные признаки (мезоморфные и ксероморфные) видов показывает принадлежность данных видов к разным типам ареала (Туранская и Горносреднеазиатская провинция).*

Ключевые слова: *анатомия, ассимилирующие органы, J. hippolyti, J. narbutii, Кызылкум.*

Abstract. The anatomical structure of assimilating organs was studied in the endemic species *J. hippolyti* and the widespread species *J. narbutii* growing under Kyzylkum conditions. Diagnostic signs are revealed and various combination of xeromorphic and mesomorphic signs of assimilating organs is determined. The identified structural adaptive characteristics (mesomorphic and xeromorphic) of the species indicate that these species belong to different types of range (Turan and Mountain Central Asia).

Key words: anatomy, assimilating organs, *J. hippolyti*, *J. narbutii* Kyzylkum.

В настоящее время в республике проводятся широкомасштабные реформы по сохранению биологического разнообразия, также особое внимание уделяется охране и рациональному использованию растительного мира. В этом отношении, научные исследования, направленные на выявление естественных популяций видов рода дикорастущего юнона, охрана, обоснование биологических особенностей, размножение в условиях *ex-situ*, внедрение в озеленение и продовольственную промышленность имеют важное научно-практическое значение. Средняя Азия является одним из центров разнообразия видов юноновых ирисов. По последним данным Ф.О. Хасанова и Н.К. Рахимовой [1], подрод *Scorpiris* во флоре Средней Азии представлен не менее чем 31-м видом, что составляет более 57% всех среднеазиатских видов рода *Iris*. Итого на сегодняшний день представители подрода *Scorpiris* в Средней Азии насчитываются не менее чем 36 видов. Учитывая эти цифры и основываясь на данные Mathew [2], о том, что представители подрода *Scorpiris* на земном шаре исчисляются не более чем 55 видами, можно считать, что Средняя Азия является не только территорией многообразия, но и центром происхождения юноновых ирисов.

Цель работы – выявление адаптивных особенностей ассимилирующих органов редкого (*J. hippolyti*) и широкораспространенного (*J. narbutii*) видов рода *Iris*, произрастающего в условиях Кызылкума.

Объектами исследования являются редкий исчезающий краснокнижный эндемик – *J. hippolyti* и широкораспространенный вид – *J. narbutii* из секции *Juno* Tratt. рода *Iris* из семейства Iridaceae Juss., произрастающих в Кызылкуме.

Ассимилирующие органы видов *J. hippolyti* и *J. narbutii* (лист и влагалище листа) фиксировали в 70⁰ этаноле для анатомического изучения. Поперечные срезы листа через середину, а влагалища листа – основание. Описания основных тканей и клеток приведены по К. Эсау [3] и Н.А. Анели [4]. Измерения проводились в зависимости от органа, тканей, клетки в 30 краткой повторности окуляр-микрометром с последующим переводом в микроны. Препараты, приготовленные ручным способом, окрашивали метиленовой синью последующим заклеиванием в глицерин-желатину [5]. Микрофотографии сделаны компьютерной микрофотонасадкой с цифровым фотоаппаратом марки А 123 фирмы Canon под микроскопом Motic B1-220A-3. Статистическая обработка количественных данных проведена по общепринятым критериям [6].

У видов *J. hippolyti* и *J. narbutii* – листья бифациальные, светло и темно-зеленые, серповидные, по краю окаймленные, более-менее шероховатые.

На парадермальном срезе эпидермальные клетки относятся к прямоуглольностеночному типу прямолинейного клана, в которых прямоугольные клетки расположены по вертикали оси листа. Листья гипостоматичные – наличие устьиц на абаксиальной стороне эпидермы. Форма сочетания устьичных клеток (с поверхности) овальная, устьица относятся чечевицевидно-равноуглольностеночному типу. На фронтальной плоскости углольностеночные оболочки почти равномерные. Щель веретеновидная. Устьица погруженные, аномоцитного типа. Мезофилл листа на поперечном срезе изогубчатого типа. Адаксиальная и абаксиальная эпидермы состоят из одного ряда крупных, удлиненных (адаксиальная эпидерма) и округло-овальной (абаксиальная эпидерма) формы клеток. Адаксиальные эпидермальные клетки наиболее крупные с углольностеночными наружными стенками, чем на абаксиальной. Губчатая паренхима состоит из 5–8 рядов крупных, хлорофиллоносных округлых клеток. Главная и боковая жилки выдаются на абаксиальной стороне листа, сосудисто-волокнистые проводящие пучки расположены в центральной части мезофилла листа. Под абаксиальной эпидермой и над сосудисто-волокнистыми проводящими пучками расположена углольностеночная 6–8 рядная колленхима. В главной жилке имеется 1 проводящий пучок. Проводящие пучки закрытые, коллатеральные, многочисленные, состоящие из флоэмы и ксилемы, с 14–18 крупными и мелкими сосудами (рис.1, табл.1).

Влагалища листа на поперечном срезе паренхимно-пучкового типа. Верхняя и нижняя эпидерма состоят из одного ряда округло-овальной формы клеток, с утолщенной наружной стенкой. Клетки абаксиальной эпидермы крупные, удлиненной формы, чем адаксиальной.




Рис.1. Анатомическое строение ассимилирующих органов *J. hippolyti* (а¹-а⁵) и *J. narbutii* (б¹-б⁵) на парадермальном и поперечном срезе: а¹- а⁴, б¹ - б⁴ – лист, а⁵-б⁵ – влагалища листа. а¹, б¹ – адаксиальная эпидерма, а², б² – абаксиальная эпидерма, а³, а⁴, б³, б⁴ – деталь мезофилла листа, а⁵-б⁵ – деталь влагалища листа. Условные обозначения: ГП – губчатая паренхима, КЛ – колленхима, ПП – проводящие пучки, Пх – паренхима, У – устьица, Э – эпидерма.

Паренхима влагалища листа состоит из 6–7 рядов крупных и мелких хлорофиллоносных клеток округло-овальной формы. Сосудисто-волокнистые проводящие пучки расположены по центру влагалища листа, закрытые, коллатеральные, многочисленные, состоящие из флоэмы и ксилемы с 4–6 крупными и мелкими сосудами. Крупные проводящие пучки расположены между двумя маленькими пучками (рис.1, табл.1).

На основе биометрического анализа количественных показателей ассимилирующих органов некоторых видов рода *Juno* выявлены следующие преобладающие признаки, присущие для данного рода. В листе – крупные, многочисленные эпидермальные клетки с утолщенными наружными стенками отмечено у *J. narbutii*, мелкие, немногочисленные, тонкостенные – у *J. hippolyti*; наиболее погруженные устьица у *J. narbutii*, слабо погруженные – у *J. hippolyti*, у всех видов преобладает аномоцитный тип устьиц; у изученных видов данного рода отмечено отсутствие устьиц на адаксиальной стороне и наличие многочисленных на абаксиальной – у *J. narbutii*, немногочисленные – у *J. hippolyti*; крупная, многорядная губчатая паренхима отмечена *J. hippolyti*, мелкие, немногорядные – у *J. narbutii*; крупные, немногорядные клетки колленхимы отмечены у *J. hippolyti*,

мелкие, многорядные – у *J. narbutii*; крупные, многочисленные сосуды в проводящих пучках отмечено у *J. hippolyti*, мелкие, немногочисленные – у *J. narbutii*; во влагалище листа – крупные, толстостенные эпидермальные клетки отмечено у *J. hippolyti*; мелкие, тонкостенные – у *J. narbutii*; погруженные устьица у *J. narbutii*, слабо погруженные – *J. hippolyti*; крупные и многорядные паренхимные клетки у *J. hippolyti*, мелкие и многорядные – у *J. narbutii*; крупные, многорядные клетки колленхимы отмечены у *J. narbutii*, мелкие, немногорядные – у *J. hippolyti*; крупные, многочисленные сосуды в проводящем пучке у *J. narbutii*, мелкие, немногочисленные – у *J. hippolyti*.

Таблица 1

Количественные показатели ассимилирующих органов некоторых видов *Juno* (n=30)

Показатель		<i>J. hippolyti</i>	<i>J. narbutii</i>
Лист			
Эпидерма: толщ. нар. стенки, мкм		5,4±0,04	6,8±0,05
высота клеток, мкм	адаксиальная	70,5±0,63	74,5±0,78
	абаксиальная	34,5±0,23	30,3±0,22
число на 1 мм ²	адаксиальная	41,8±0,32	53,2±0,43
	абаксиальная	79,8±0,64	87,4±0,79
Устьица: длина, мкм		36,3±0,25	41,7±0,34
ширина, мкм		29,6±0,21	33,3±0,28
погруженность, мкм		7,51±0,06	11,4±0,09
число на 1 мм ²	адаксиальная	-	-
	абаксиальная	70,2±0,69	79,6±0,71
Диаметр губчатых клеток, мкм		35,5±0,23	30,7±0,25
Число рядов губчатых клеток		7-8	5-6
Диаметр колленхимных клеток, мкм		12,5±0,09	10,7±0,07
Число рядов колленхимных клеток		6-7	7-8
Диаметр сосудов проводящих пучков, мкм		14,5±0,08	11,6±0,06
Число сосудов проводящих пучков		16-18	14-16
Влагалище листа			
Эпидерма: толщ. нар. стенки, мкм		8,33±0,07	7,69±0,05
высота клеток, мкм	адаксиальная	71,4±0,64	42,3±0,34
	абаксиальная	42,9±0,30	19,2±0,12
Погруженность устьиц, мкм		7,14±0,05	16,7±0,21
Диаметр паренхимных клеток, мкм		53,6±0,48	30,8±0,25
Число рядов паренхимных клеток		6-7	7-8
Диаметр колленхимных клеток, мкм		12,5±0,09	13,8±0,09
Число рядов колленхимных клеток		4-5	5-6
Диаметр сосудов проводящих пучков, мкм		15,6±0,09	17,4±0,09
Число сосудов проводящих пучков		4-5	5-6

В ассимилирующих органах всех видов рода *Juno* наблюдаются ксероморфные и мезоморфные признаки, проявляющиеся в различном сочетании. Утолщенная наружная стенка эпидермы, мелкие, многочисленные эпидермальные, губчатые, паренхимные клетки, мелкие, многочисленные, погруженные устьица, многорядные клетки колленхимы, мелкие и многочисленные сосуды в проводящих пучках преобладает у *J. narbutii*, что свидетельствует о большей ксероморфности и более широком распространении в естественных условиях обитания данного вида. Тонкостенные, крупные эпидермальные, губчатые, паренхимные клетки, крупные и немногочисленные сосуды в проводящих пучках преобладают у *J. hippolyti*, что свидетельствует о большей мезоморфности и редкости данного вида в естественных условиях обитания.

Таким образом, исходя из полученных результатов по сравнительному изучению анатомического строения ассимилирующих органов у *J. hippolyti* и *J. narbutii* видов рода *Iris* определено различное сочетание ксероморфных и мезоморфных признаков. Выявленные структурно-адаптивные признаки (мезоморфные и ксероморфные) видов показывают принадлежность данных видов к разным типам ареала: *J. hippolyti* – Туранская и *J. narbutii* – Горносреднеазиатская провинция.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Khassanov F. O., Rakhimova N. 2012. Taxonomical revision of genus *Iris* L. (Iridaceae Juss.) in the flora of Central Asia // *Stapfia*, Vol. 97. – P. 121-126.

2. Mathew B. Some aspects of the Juno group of irises // Proceedings of the International Iridaceae Conference, 2001. Special Vol. Annali di Botanica, nuova serie 1. – P. 113-122.
3. Эсау К. Анатомия растений. – Москва: Изд. Мир, 1969. – С. 138-416.
4. Анели Н. А. Атлас эпидермы листа. Метсниреба, Тбилиси, 1975. С. 7-24.
5. Барыкина Р.П., Веселова Т.Д. и др., Справочник по ботанической микротехнике (основы и методы). – Москва: Изд. МГУ. – 2004. – С. 6-68.
6. Зайцев Г.Н. Математика в экспериментальной ботанике. – Москва: Наука, 1991. – 296 с.

ЎУК 595. 132 (575.151)

БУҒДОЙ АГРОЦЕНОЗИ ФИТОНЕМАТОДАЛАРИ ФАУНАСИ ВА УЛАРНИНГ ЙИЛ ДАВОМИДА МАВСУМИЙ ЎЗГАРИШИ

*Д.К. Жуманиёзова, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси,
Тошкент*

Аннотация. Мақолада йил мавсумларида буғдой агроценози фитонематодаларининг тур таркиби ва сонининг мавсумий динамикаси тўғрисида маълумотлар келтирилган. Фитонематодаларнинг турли мавсумларда ва тупроқ қатламларида тур хилма-хиллиги ва миқдорининг фарқи аниқланган, бу ҳолат тупроқ қатламларининг ҳарорати ва намлик даражасига боғлиқлиги билан изоҳланган.

Калит сўзлар: фитонематода, тур таркиб, мавсумий динамика, вертикал тақсимланиш, буғдой агроценози, паразитобионт, девисапробионт, фитогельминт.

Аннотация. В статье приведены сведения сезонной динамики видового состава и количество фитонематод пшеничного агроценоза. Определено отличие видового разнообразие и количества фитонематод в различных слоях почвы и разных сезонах, что связано с изменением влажности и температуры в различных слоях почвы.

Ключевые слова: фитонематода, видовой состав, сезонная динамика, вертикальное распределение, агроценоз пшеницы, паразитобионт, девисапробионт, фитогельминт.

Abstract. This article provides data on the species composition and alterations in the seasonal dynamics of phytonematodes of wheat agroecosystems in the seasons of the year. Species diversity and the difference in the number of phytonematodes in different seasons and soil layers were revealed, this condition is explained by the temperature of the soil layers and is associated with the level of moisture.

Key words: phytonematodes, species composition, seasonal dynamics, vertical distribution, wheat agroecosystem, paratyphobiont, devisaprobiont, phytohelminth.

Мавзунинг долзарблиги. Нематодалар турларга энг бой ва табиатда кенг тарқалган организм гуруҳларидан бири ҳисобланади [7]. Янги турларни таърифлаш суръатларига асосланган хилма-хилликни баҳолаш нематодаларнинг миллионга яқин тури мавжудлигини тахмин қилади [8]. Нематодаларнинг индивидлар сони популяцияда доимий эмас, балки ўзгарувчан бўлади, уларнинг сон жихатдан ўзгариши ва динамикаси ташқи муҳит омиллари таъсирига боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин. Шунинг учун нематодалар фаунаси динамикасини комплекс каузал йўналишда тадқиқ этиш уларнинг тур таркиби ва трофик боғлиқлигини аниқлашда ва тупроқда нематодаларнинг экологик, биологик жараёнларда иштирокини билишда муҳим аҳамиятга эга [5,6].

Ҳозирги кунда республикада асосий қишлоқ хўжалик экинлари майдонларининг кенгайишига катта эътибор берилмоқда. Жумладан, асосий маданий экинлардан бири бўлган буғдой майдонлари кенгайиб бормоқда. Буғдой агроценозлари нематодаларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот мақсади. Буғдой агроценози фитонематодалари фаунаси ва уларнинг йил давомида мавсумий ўзгаришини ўрганиш.

Тадқиқот материали ва усуллари. Тадқиқот материали Тошкент вилояти Бекобод тумани, “Ойбек” фермер хўжалиги буғдой даласидан йиғилди. Текшириш олиб борилаётган жойнинг тупроғи типик бўз тупроқлар минтақасида жойлашган. Тупроқ намуналари қиш (декабрь), баҳор (май), ёз (июнь), куз (октябрь) мавсумларда буғдой экилган майдоннинг бешта нуктасидан беш такрорий тарзда, тупроқнинг 0-10 см, 10-20 см, 20-30 см чуқурликдаги қатламлардан умум қабул қилинган усул [1] бўйича олинди. Тадқиқот давомида жами 300 та тупроқ намуналари йиғилди.

Йиғилган тупроқ намуналаридан фитонематодалар Берманнинг воронкали усули [2] ёрдамида ажратилди ва нематодаларнинг глицерин-желатинли доимий препаратлари тайёрланди. Топилган

нематода турлари учровчанлигига кўра Витковский (1967) [9] усули бўйича 5та гуруҳга ажратилди: эудоминантлар (барча учраган нематодаларнинг 10 % дан ортигини ташкил қилади), доминантлар (5-10 % гача), субдоминантлар (2% гача), рецедентлар (1-2 % гача) ва субрецедентлар (1 % дан паст).

Тадқиқот натижалари. Бугдой агроценози фитонематодаларининг тур таркиби, экологик гуруҳлари ва мавсумий динамикасини ўрганиш натижасида 3 та кенжа синф 4 та туркум, 16 та оила, 26 та авлодга мансуб 63 тур фитонематода учраши аниқланди. Фитонематодаларни таксономик ўрнини белгилашда [3] нинг систематикасидан фойдаланилди. Туркумлар бўйича таҳлил этилганда Rhabditida ва Tylenchida туркумлари вакиллари хилма хил бўлиб, 24 тур (234 инд.) ва 26 тур (503 инд.)дан иборатлиги маълум бўлди. Araeolaimida (1 тур 3 инд.) ва Dorylaimida (12 тур 129 инд.) туркумлари тур таркиби кам сонда учради. Rhabditida туркумидан Cephalopidae оиласи вакиллари энг кўп учради (21 тур, 140 индивид), *Eucephalobus laevis* тури айниқса кўпчиликни ташкил этди. Tylenchida туркуми орасидан *Aphelenchus avenae*, *Aphelenchoides parietinus*, *Helicotylenchus multicinctus* турлари кўпчиликни ташкил этди. Dorylaimida туркумидан *Eudorylaimus monohysteratus* тури нисбатан кўп учради. Araeolaimida туркумидан 1 тур - *Plectus parietinus* учраши маълум бўлди.

Бугдой агроценозида учраган фитонематодалар озикланиши ва яшаш шароити бўйича [4] нинг экологик классификацияга асосан 3 та эколого-трофик гуруҳларга бўлинди:

Параризобионтлар ёки илдиз атрофи нематодалари бўлиб, ўсимлик илдизи билан бевосита ёки билвосита боғланган. Бир томондан бу нематодалар кучли санчиб сўрувчи найзага эга бўлиб, уни ўсимликка санчиб ўсимлик шираси билан озикланади, иккинчи томондан булар йиртқичлар ҳам, тупроқда яшовчи майда организмлар билан озикланади. Параризобионтлар патогенли аҳамиятга эга эмас, аммо ўсимликка (ҳар хил касаллик келтириб чиқарувчи патогенли) бактерияларни, вирусларни ва замбуруғларни киритиши мумкин. Бизларнинг намуналаримизда параризобионтлардан 12 тур - *Diphtherophora ornatus*, *Diphtherophora brevicolle*, *Eudorylaimus labiatus*, *Eudorylaimus monohystra*, *Eudorylaimus stilus*, *Eudorylaimus sulphasae*, *Eudorylaimus pratensis*, *Eudorylaimus obtusicaudatus*, *Eudorylaimus microdorus*, *Discolaimus discocephalus*, *Mesodorylaimus bastiani*, *Tylencholoimus minimus* учради. Бу гуруҳ вакиллари барча учраган нематодаларнинг миқдор жиҳатдан 15% ни (129 та) ташкил этди.

Девисапробионтлар - чала сапробионтлар чиринди муҳитда яшайди, шунинг билан бирга бу нематодалар соғлом ўсимлик тўқимасига ҳам ўтиши мумкин. Бу гуруҳ вакиллари куткуласи дағал халқали, бош қисмидаги кучли ўсимталари бўлиб, булар ёрдамида ўсимлик тўқималарини узиш қобилиятига эга. Девисапробионтлар экологик характерга кўра кенг тарқалган нематодалар ҳисобланади. Бу гуруҳга мансуб 25 тур - *Cephalobus nanus*, *C. oryzae*, *C. parvus*, *C. persegnis*, *C. brevicaudatus*, *C. carnis*, *Eucephalobus filiformis*, *E. laevis*, *E. oxyuroides*, *E. elangatus*, *Acrobelus ciliatus*, *A. ctenocephalus*, *A. complexus*, *Acrobeloides emarginatus*, *A. clavicaudatus*, *A. butschlii*, *A. thornei*, *A. maximus*, *Chloplacus propinquus*, *Ch. symmetricus*, *Panagrobelus topayi*, *P. subelongatus*, *P. rigidus*, *Plectus parietinus* 27% (237 та) нематодалар учраши аниқланди.

Фитопаразитлар - ўсимликка зарар етказувчи ҳақиқий паразитлар ҳисобланади. Фитопаразитлар микофаг ва ихтисослашмаган фитопаразитлар, ихтисослашган фитопаразитлар кичик гуруҳларига бўлинди: микофаг ва ихтисослашмаган паразитлардан 8 тур - *Aphelenchus avenae*, *Aphelenchoides parietinus*, *Aph. limberi*, *Tylenchus filiformis*, *T. davanii*, *Aglenchus agricola*, *Tylenchorhynchus obtusus* дан иборат бўлиб, 36% (313 та) ни ташкил этди; ҳақиқий ихтисослашган фитопаразитлардан 6 тур - *Pratylenchus mahagoni*, *Pratylenchus pratensis*, *Helicotylenchus multicinctus*, *Merlinius dublius*, *Nothotylenchus acris*, *Ditylenchus dipsaci* аниқланди, бу 22% (190 та)ни ташкил этди. Экологик гуруҳлардан микофаг ва ихтисослашмаган фитопаразитларнинг бугдой агроценозида индивидларнинг сон жиҳатдан (36%) кўп учраши кузатилди.

Бугдой агроценозида топилган фитонематодаларни мавсумлар бўйича таҳлил қилинганда йил давомида уларнинг тур ва сон жиҳатдан ўзгариши аниқланди. Қиш мавсумида бугдой агроценозида 20 тур 125 та фитонематода учраши аниқланди. Тупроқнинг 0 – 10 см қатламида 6 тур, 21 та нематода учраши аниқланди, эудоминант, доминант ва субдоминант турлар учрамади. Рецедент тур битта *Ditylenchus trififormis*. Қолган барча турлар субрецедентлар ҳисобланади. Экологик гуруҳлар бўйича бу қатламда девисапробионтлар 2 тур (6 инд.), потенциал паразитлар 2 тур (4 инд.), ҳақиқий паразитлар 1 тур (7инд.) ва параризобионтлар 1 тур (4 инд.) ни ташкил этиши маълум бўлди. Тупроқнинг 10 – 20 см қатламида 11 тур 57 та нематода учради. Эудоминант, доминант турлар учрамади. Субдоминант тур – *Aphelenchus sp*, рецедент тур – *Eudorylaimus labiatus*, 9 тур

субрецидентлар. Экологик гуруҳлардан девисапробионтлар 4 тур (10 инд.), ҳақиқий паразитлар 1 тур (5 инд.), потенциал паразитлар 5 тур (31 инд.), параризобионтлар 1 тур (11 инд.) ни ташкил этди. Тур ва сон жиҳатдан потенциал паразитлар бу қатламда устунлик қилиши маълум бўлди. Тупроқнинг 20 – 30 см қатламида 12 тур, 47 та нематода учради (жадвал). Эудоминант, доминант турлар учрамади. Субдоминант тур – *Aphelenchus sp.*, рецидент тур – *Eudorylaimus monohystera*, қолган 10 тур субрецидентлар эканлиги маълум бўлди. Девисапробионтлар бу қатламда тур ва сон жиҳатдан устунлик қилиши кузатилди. Юқори қатламда қиш мавсумида ҳарорат паст бўлганлиги туфайли нематодалар тур ва сон жиҳатдан камчилиқни ташкил этди.

Баҳор мавсумида буғдой агроценозида 31 тур, 376 та нематода учраши аниқланди. Тупроқнинг 0 – 10 см қатламида 20 тур, 84 та нематода топилди, эудоминант, доминант турлар учрамади. Субдоминант тур – *Merlinius dubius*, рецидент турлар – *Xiphinema index*, *Aphelenchoides parietinus*, 17 тур субрецидентлар эканлиги кузатилди. Экологик гуруҳлар бўйича ҳақиқий паразитлар кўпчилиқни ташкил этди. Тупроқнинг 10 – 20 см қатламида 16 тур, 266 та нематода топилди. Эудоминант турлар – *Aphelenchoides parietinus*, *Helicotylenchus multincinctus*, доминант тур – *Tylenchus agricola*, субдоминант турлар – *Tylenchorhynchus obtusus*, *Mesodorylaimus bastian*, *Eudorylaimus manhystera*, қолган 10 тур рецидентлар эканлиги аниқланди. Потенциал паразитлар сон жиҳатдан устунлик қилиши кузатилди. Тупроқнинг 20 – 30 см қатламида 9 тур, 26 та нематода учраши кузатилди (жадвал). Эудоминант, доминант, субдоминант турлар учрамади. Рецидент тур – *Eucephalobus laevis*. 8 тур субрецидентлар эканлиги маълум бўлди. Потенциал паразитлар бу қатламда кам сонда учраши аниқланди. Баҳор мавсумида тупроқ ҳарорати ва намлиги нематодаларнинг яшаши учун қулайлиги, озиқ моддалар етарли бўлганлиги сабаб кўп учради, айниқса тупроқнинг 0 – 10 см, 10 – 20 см қатламларида кўпчилиқни ташкил этиши кузатилди.

Ёз мавсумида буғдой агроценозида 19 тур, 128 та фитонематода аниқланди. Тупроқнинг 0 -10 см қатламида 11 тур, 28 та нематода топилди. Эудоминант, доминант, субдоминант турлар учрамади. Рецидент тур – *Cephalobus parvus*. 10 тур эса субрецидентлар эканлиги маълум бўлди. Экологик гуруҳлардан девисапробионтлар нисбатан кўпчилиқни ташкил этди (6 тур). Потенциал паразитлар 4 тур, ҳақиқий паразитлар 1 тур. Параризобионтлар бу қатламда учрамади. Тупроқнинг 10 – 20 см қатламида 17 тур 68 та нематода топилди. Эудоминант, доминант турлар учрамади. Субдоминант тур – *Aphelenchus avenae*. Рецидент тур – *Aphelenchus solani*. 15 тур субрецидент турлар эканлиги маълум бўлди. Экологик гуруҳлардан девисапробионтлар 8 тур, потенциал паразитлар 3 тур, ҳақиқий паразитлар 4 тур, параризобионтлар 2 турни ташкил этди. Тур жиҳатидан девисапробионтлар, сон жиҳатдан потенциал паразитлар кўп учраши кузатилди. Тупроқнинг 20 – 30 см қатламида 11 тур, 32 та нематода топилди (жадвал). Эудоминант, доминант, субдоминант турлар учрамади. Рецидент тур – *Aphelenchus avenae*. 10 тур эса субрецидентлар ҳисобланади. Экологик гуруҳлардан потенциал паразитлар кўпчилиқни ташкил этди. Ҳақиқий паразитлардан 3 тур, девисапробионтлардан 5 тур, параризобионтлардан 1 тур учраши маълум бўлди. Бу мавсумида фитонематодалар тур ва миқдор жиҳатдан нисбатан кам учраши кузатилди. Ёз мавсуми учун характерли тур *Aphelenchus avenae* бўлиб, бу тур барча қатламларда учради.

Куз мавсумида буғдой агроценозида 25 тур, 240 та нематода аниқланди. Тупроқнинг 0 – 10 см қатламида 15 тур, 82 та нематода топилди, эудоминант ва доминант турлар учрамади. Субдоминант турлар *Aphelenchus avenae* ва *Chilaplacus symmetricus*, қолган барча турлар субрецидентлар эканлиги маълум бўлди. Девисапробионтлар 6 тур (39 индивид), потенциал паразитлар 4 тур (26 индивид) кўпчилиқни ташкил этиши кузатилди. Тупроқнинг 10 – 20 см қатламида 16 тур 99 та нематода топилди. Эудоминант ва доминант турлар учрамади. Субдоминант тур – *Aphelenchus avenae*, рецидент турлар – *Ditylenchus dispaci* ва *Cephalobus persegnis*, 13 тур субрецидентлар эканлиги маълум бўлди. Экологик гуруҳлардан параризобионтлар 1 тур, девисапробионтлар 5 тур, потенциал паразитлар 6 турни ташкил этди, фитогельминтлар кўпчилиқни ташкил этиши кузатилди. Тупроқнинг 20 – 30 см қатламида 14 тур, 59 та нематода топилди (жадвал). Эудоминант ва доминант турлар учрамади. Субдоминант тур – *Aphelenchus avenae*, рецидент тур – *Ditylenchus dispaci*, қолган барча турлар субрецидентлар эканлиги маълум бўлди. Параризобионтлар 3 тур, девисапробионтлар 4 тур, ҳақиқий паразитлар 4 тур, потенциал паразитлар 3 турни ташкил этиши кузатилди.

Буғдой агроценози фитонематодаларининг тур таркибини мавсумлар бўйича қиёсий таҳлиладан шу нарса маълум бўлдики, қиш мавсумида 20 тур, 125 та нематода аниқланди. *Aphelenchus avenae* тури кўпчилиқни ташкил этди. Баҳор мавсумида 31 тур 376 та нематода аниқланди, нематодалар сон ва тур жиҳатдан энг кўп учради, Бу мавсумида характерли турлар – *Aphelenchoides parietinus*, *Pylenchus agricola*, *Helicotylenchus multincinetus*. Ёз мавсумида нематодалар 19 тур, 128 тани

ташкил этди, тур ва миқдор жиҳатдан кам учраши кузатилди, бу ҳолатни ҳароратнинг кўтарилиб, намликнинг пасайиши билан боғлиқ деб ҳисоблаймиз. Бу фасл учун характерли тур *Aphelenchus avenae*. Куз мавсумида 25 тур 240 та нематода топилди. Ҳароратнинг пасайиши ва намликнинг кўтарилиши ҳисобига нематодалар тури ва сони бу мавсумда яна ортганлиги кузатилди. Куз мавсуми учун характерли турлар *Aphelenchus avenae*, *Chiloplacus symmetricus*.

Жадвал

Бўғдой агроценози фитонематодаларининг йил мавсумлари бўйича тупроқ қатламларида учраши

Тупроқ қатламлари	Мавсумлар				Жами инд.сони
	Қиш	Баҳор	Ёз	Куз	
0-10	6/21	20/84	11/28	16/82	215
10-20	11/57	16/266	17/68	16/99	490
20-30	12/47	9/26	11/32	14/59	164
Жами	20/125	31/376	19/128	25/240	869

Изоҳ: сурьатда турлар сони, маҳражда индивидлар сони.

Хулоса. Йил мавсумларида бўғдой агроценози фитонематодаларининг тур таркиби ва сонининг мавсумий динамикасини ўрганиш натижасида 63 тур фитонематода учраши аниқланди. Фитонематодалар фаунаси ва сонининг мавсумий динамикаси баҳор ва куз мавсумларда қиш ва ёз мавсумларга нисбатан миқдор жиҳатдан ортганлиги кузатилди, бу ҳолат тупроқ қатламларининг ҳарорати ва намлик даражаси, нематодалар учун озиқ моддаларнинг етарли даражада мавжуд эмаслиги билан боғлиқ деб изоҳланади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Кирьянова Е.С., Кралль Э.Л. Паразитические нематоды растений и меры борьбы с ними. - Ленинград: Наука, 1971. - Т. II. - 522 с.
2. Мавлянов О.М. Фитонематоды хлопковых агроценозов (вопросы таксономии, экологии, зоогеографии и меры борьбы): автореф. дис. ... канд. биол. наук. – Ташкент, 1993. - 28 с.
3. Малахов В.В., Рыжиков К.И., Сонин М.Д. Систематика крупных таксонов нематод: подклассы, отряды, подотряды // Зоологический журнал. Ленинград, 1982. -Т. 61. - Вып. 8. – С. 1125-1134.
4. Парамонов А.А. Основы фитогельминтологии. – Москва: Наука, 1964. Т.2. – 446 с.
5. Шестеперов А.А., Савотиков Ю.Ф. Карантинные фитогельминтозы. – Москва: Колос, 1985. Кн. 1. – 453 с.
6. Bakker E., Dees R., Bakker J., Goverse A. Mechanisms Involved in Plant Resistance to Nematodes. // in: Multigenic and Induced Systemic Resistance in Plants. Eds. Tuzun S., Bent E. 2006. – P. 314-334.
7. Hodda, M. Phylum Nematoda Cobb 1932 // Zootaxa. – 2011. – Vol. 3148. – P. 63-95.
8. Lambshead, P. J. D. «Recent developments in marine benthic biodiversity research». Oceanis. 1993. 19 (6): – P. 5–24.
9. Witkowsky T. Zmiany struktury zgrupowania nicieni glebowych w związku z' jego rozmieszczeniem W. rozmych wartwach glogy Studia // Soc. Scient torun., 1967. V. 9. - № 1–2. – P. 24.

ЎУК 636.32/38.082.11

**ТУРЛИ ХИЛ РАНГБРАНГЛИКДАГИ СУР ҚОРАҚЎЛ ҚЎЙЛАР ГЕНОФОНД
МАНБАЛАРИНИ САҚЛАШНИНГ СЕЛЕКЦИОН-ГЕНЕТИК АСОСЛАРИ**

М.И. Омонов, доцент, к/х.ф.н., Термиз давлат университети, Термиз

Аннотация. Мақолада дунё мамлакатлари уй хайвон зотлари генофонди глобал муаммо ўрнида тахлили маълумотларда берилган. Шунингдек, бугунги кунда мамлакатимиз қорқўлчилиги, қорақўл қўйлари генофонди, мавжуд завод типлари ҳамда Сурхондарё сур типли қорақўл қўйлари генофонд манбаларини сақлашнинг селекцион-генетик асослари ёритилган.

Калит сўзлар: генофонд, рангбаранглик, зот типлари, қорақўл, селекцион-генетик, сур типли, генетик, генбанк, каталоглаштириши, қоринча, бронза, платина, янтар, антроцит, червон-тилло, крослаш, гомоген, гетероген.

Аннотация. В статье приведены аналитические данные по глобальной проблеме генофонда домашних животных. Также важное значение имеет развитие отечественной селекции, сохранение генофонда каракульских овец, существующих типов, научный отбор и генетические методы для сохранения и восстановления генофонда сурхандарьинской породного типа каракульской породы.

Ключевые слова: генофонд, разнообразие, вид породы, каракуль, селекционно-генетический, сур, генетика, генбанк, каталогизация, брюшко, бронзовый, платиновый, янтарный, антоциты, червон-золото, кросс, гомогенный, гетерогенный.

Abstract. The article provides analytical data on the global problem of the global gene pool of domestic animals. Also, the importance of developing domestic breeding, karakul sheep gene pool, existing plant types, scientific selection and genetic methods for conservation and restoration of the Surkhandarya Surin Karakul sheep gene pool.

Keywords: gene pool, diversity, breed species, karakul, selection-genetic, sur, genetics, genbank, cataloging, ventricular, bronze, platinum, yantar, anthocytes, chervon-gold, cross, homogenous, heterogeneous.

Кириш. Мавзунинг долзарблиги. ФАОнинг қишлоқ хўжалик ҳайвонлар генетик ресурслари системаси информацион ҳабарномасида жаҳонда 38 тур бўйича 8774 та уй ҳайвон зотлари мавжуд бўлиб, 7718 та зот маҳаллий (фақат бир давлатда), 1056 та зот трансчегаравий ҳисобланиши билдирилган. Кейинги ўн йил давомида юқорида келтирилган уй ҳайвон зотлари генофондининг 15-17% дан ортиғи бутунлай йўқолиб кетган [5,6,7,]. Баён этилганидек, генофонди камайган ва йўқолиб кетаётган уй ҳайвон зотлари ичида қўй зотлари ҳам эътиборга олинган. ФАО маълумотиға кўра дунёда 1229 та қўй зотлари мавжуд бўлиб, уларнинг 14-16%га камайганлиги ҳамда айрим қўй зотлари йўқолиб кетган. Дунё мамлакатлари бўйича мавжуд қўйлар бош сони 1,25 млрд. ҳисобланиб, уларнинг 31,0 млн. бошини қорақўл қўйлари ташкил қилади [6,7].

Ўзбекистонда қорақўл қўйлари генофонди 6 млн. бошни ташкил этади [2]. Аслида, қорақўл қўй зотининг ватани Ўзбекистон ҳисобланиб, дунёда энг машҳур қўй зотларидан бири ҳисобланиб келинади. Чунки, бу зот халқаро мўйна аукцион бозорида энг қимматбаҳо нархларда харид қилинадиган турли рангбарангликка эга бўлган қора, кўк, сур ва оқ рангли қорақўл териларини етказиб беради. Дунёнинг бирорта қўй зоти қорақўл қўйлари сингари ноёб ва қимматбаҳо маҳсулот етказиб бермайди.

Ватанимизда яратилган ушбу қорақўл қўй зоти бугунги кунга келиб, дунёнинг 50 га яқин давлатларида кўпайтирилмоқда. Қорақўлчилик ривожланган давлатлар қаторига Ўзбекистон, Афғонистон, Жанубий Африка (Намибия, Арабистон ва бошқа), Қозоғистон, Эрон, Россия Федерацияси, Туркманистон давлатлари киради [1,4].

Қорақўл қўй зоти ўзининг биологик хусусиятлари жиҳатидан бошқа қўй зотларидан кескин фарқланиб, асосан чўл ва чала чўл, чўл дашт худудлари экологик иқлим шароитига яхши мослашган. Шу туфайли бу зот Ўзбекистон, Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлатлари чўл чорвачилиги бўйича муҳим ва ривожланган тармоқ ҳисобланиб келинади.

Қорақўл қўй зотлари мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланиб келинган бўлсада, бироқ дунё мамлакатларида бўлганидек Ўзбекистонда ҳам барча турдаги чорва моллари, шу жумладан қорақўл қўйлари генофонди анча камайиб айрим завод типлари йўқолиб кетди.

Буни сабаблари турлича изоҳланади, бозор иқтисодиёти, қорақўлчиликка ихтисослашган наслчилик ва товар хўжаликлари шакли ўзгаргани, аграр соҳадаги жадал ривожланиш, суғориладиган ер майдонлари кенгайтирилиши, экологик иқлим шароитлар ўзгариши, қўйларни озиқлантириш, асраш ва парваришlash, зооветеринария хизмати ва наслчилик ишлари сусайгани, ҳайвонлар орасида турли ҳил касалликлар кўпайгани, яйлов ҳосилдорлиги, об-ҳавонинг ноқулай келиши ва бошқалар.

Бугунги кунда Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институти селекционер-олимлари томонидан яратилган юқори махсулдорлик хусусиятларига эга бўлган бир нечта завод типлари йўқолиш арафасида турибди.

Жумладан, Сурхондарё сур типига мансуб барча рангбарангликдаги (янтар, бронза, платина) завод типлари, оқ рангли қорақўл қўйларининг кўк рангли қорақўл қўйларининг “Жанубий Ўзбекистон”, “Томди”, қора рангли қорақўл қўйларининг “Помук”, “Серпушт” типдаги қорақўл қўйларининг “Қарнаб” завод типлари ва бошқалар 16,1% ташкил этади [1,4].

Қайд этилганидек, сур рангли қорақўл қўйлари алоҳида диққатга сазовордир. Чунки, сур қорақўл терилари турли рангбаранглик жиҳатидан энг қимматли хом ашё ҳисобланади. Сур рангли қорақўл қўй зоти асосан Қарақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида кўпайтирилади. Улар келиб чиқишига кўра 3 гуруҳга Бухоро, Қорақалпоқ ва Сурхондарё сурларига бўлинади. Сурхондарё сур типли қорақўл қўйлари Бухоро ва Қорақалпоқ сурларидан кейин яратилган, аммо энг қимматбаҳо, ноёб, ўзига хос сур терилар беради.

Сурхондарё сур типли қорақўл қўйлари ҳозирда Сурхондарё вилоятининг Кумқўрғон тумандаги “Боботоғ сури” хўжалигида (собик “Тагарин”, “Оқ Қопчиғай”, “Сайхон” давлат наслчилиги хўжалиги) яратилган.

Тадқиқот ишларимиз Ўзбекистонда илк бор энг қимматбаҳо ва ноёб ҳисобланган сур типли қорақўл қўйлари генофондини сақлаш ва тиклашнинг селекцион-генетик усулларини ишлаб чиқиш мақсадида Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ҳамда Термиз давлат университети олимлари билан ҳамкорликда мазкур хўжаликда олиб борилмоқда.

Тадқиқот мақсади: Сурхондарё сур типли қорақўл қўйларининг ноёб генофондини сақлашнинг генетик ва селекцион усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари: селекцион, генетик, биокимёвий тестлар.

Бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири ноёб ҳайвонларнинг генетик ресурсларини сақлаш ва тиклашдан иборатдир. Сурхондарё сур типли қорақўл қўйлари яратилишига селекционер олим, профессор Н.С.Гигинейшвили томонидан давомли ўзгарувчанлик назариясига асосланиб, гомоген жуфтлаштириш воситасида селекция жараёнида пигментнинг жун толаси узунлиги бўйлаб бир текис тақсимланиши натижасида ҳосил бўладиган бир хил тусдаги жигар рангли сур рангбарангликка айлантириш мақсадида олиб борилган кўп йиллик тадқиқотларидаги частиштириш ишлари туфайли эришилган [1,3].

Н.С. Гигинейшвили гомоген жуфтлаштириш усулида ота-она жуфтларининг нақши наслдан-наслга ўтишини, баъзан платина сури (Пл.с)х(Қах.с.) қўзиларда бошқа тусдаги нақшлар пайдо бўлганлигини, ёки бронза ва платина сур қўйлари кросслагтириш ҳамда червон-тилло ранг ва бошқа номатлаб нақшларнинг сиқиб чиқарилиши натижасида вужудга келган генотиби барқарор эмаслиги ҳамда Сурхондарё типидagi сур қўйлари нақши бўйича узоқ муддатли гомоген жуфтлаштириш подани мустахкамлигини ва ҳар бир нақшнинг ирсийланиш коэффициентини оширишини таъкидлайди [1,3].

В.М.Юдин, М.И.Котовлар таъкидлашича, сур қўйлар отарида дастлабки олинган сур қўзилар атига 2,7% ни ташкил этган. Уларни келиб чиқиши бўйича сур бўлган гетероген қора совлиқлар (F1, F2,F3) билан сараланганида 34,6%, келиб чиқиши сур бўлган гетероген сур совлиқлар билан жуфтлаштирилганида (F1, F2,F3) 68,5% сур қўзилар олинган. Бундай саралаш усулини кўп йиллар давом эттириш туфайли, яъни келиб чиқиши гомозигота бўлган қўйлар саралаганида 97,8% сур қўзилар олинган [1,3].

Биз ўз тадқиқотларимизда Сурхондарё сур типли қорақўл қўйларини гомоген саралаш воситаси йўли билан энг қимматбаҳо сур типли қўзилар генофондини сақлаш, сур қорақўл тери сифатини ошириш, махсулдор қўзилар сонини кўпайтиришни мақсад қилиб қўйдик.

Тажриба ва назорат отарларидан олинган сур қўзиларни барра типлари ва рангбарангликлари бўйича баҳолаб бонитировкадан ўтказиши натижалар шуни кўрсатдики, сур қорақўл қўйларини гетероген жуфтлаштириш янги нақшлар пайдо бўлиши, гомоген саралаш йўли билан қимматли ирсий рангбарангликларни сақлаб қолиш ва ҳайвонлар ирсиятини мустахкамлаш имконияти яратилиши кўзатилди (1-жадвал).

Жадвалда келтирилганлардан кўриниб турибдики, рангбарангликлар бўйича сур типли қўйлари гомоген саралашда авлод қўзиларида қимматбаҳо сур рангбарангликларни сақлаб қолиш ва уни ирсий жиҳатдан мутахкамлаш самараси юқори. Демак, яратилган сур қўйлар генотибида мазкур ранг бора-бора кучайиб ва мустахкамланиб борди. Платина рангбарангликка эга бўлган қўйлари шу рангбарангликдаги наслдор қўчқорлар билан сараланганида-71,6% бошқа рангбарангликлар эса 28,4%ни, бу кўрсаткичлар бронза рангбаранглигида 71,5%ни, бронза билан бронза қўйлари сараланганида платина рангбаранглик 10,9%, янтарь 3,7% ни ташкил этди. Шундай кўрсаткични янтарь рангбарангликдаги гомоген саралашда кузатганимизда энг юқори натижа 65,5%ни ташкил этди. Антроцит рангбарангликдаги сур қўйлари гомоген саралаш барча рангбарангликлар ичида энг юқори 92,1% ни ташкил этди.

Жадвал 1

Гомоген саралаш орқали сур рангбарангликларнинг наслга берилиши (2015-2019й.),%

Рангбаранглик бўйича саралаш	n	Сур қўзилар барра териси рангбаранглиги, %				
		платина	янтарь	бронза	антроцит	бошқа
Платина х платина	132	71,6	7,9	7,5	-	3,0
Янтарь х янтарь	112	9,1	68,5	-	12,4	0,3
Бронза х бронза	110	10,9	3,7	71,5	-	2,6
Антроцит х антроцит	96	-	3,6	-	92,1	4,3

Сур қоракўл қўйларининг махсулдорлигини баҳолаш ҳамда наслчилик ишларида асосан қоракўл тери гуллари ва рангбаранглиги эътиборга олинади. Тадқиқотларимизда Сурхондарё сур типли қоракўл қўйларида рангбаранглик ва барра тери гуллари бир бири билан боғлиқ эканлиги кузатилди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ҳар бир рангбарангликнинг тақсимланиши қўзилар териси гуллари типлари билан характерлидир.

Жадвал 2

Сурхондарё сур типли қоракўл қўзилар тери гул типли ва рангбаранглиги, % (M±m)

Ранг-баранглик	Бош сони	жакет	ребристый	плоский	кавказ
Платина	110	67,3±4,1	4,5±0,9	12,7±2,6	15,5±2,7
Янтарь	129	65,9±3,2	6,2±1,2	15,5±3,0	12,4±2,5
Бронза	80	61,3±2,7	11,3±2,0	18,7±3,4	8,7±1,9
Антроцит	66	46,9±1,5	6,1±1,1	31,8±4,3	15,2±2,7

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, платина, янтарь, бронза и антроцит рангбарангликдаги сур қўзилар барра териларида асосан ярим доира, қалам, гул, жакет типли асосий қисмини ташкил этади. Платина типли сур қўзиларда ярим доира, қалам, гул, жакет типли (67,3±1,5), антроцит рангбаранглик деярлик жакет гул типли платинадан-20,4% кам, кавказ гул типидagi сур қўзилар терисида деярлик бир хил. Қовурғосимон қалам гул ребристый- ўсиқ гули плоский типда 17,2%, антроцитда эса бу кўрсаткич 17%ни, ярим доира, қалам, гул, жакет типидан кам. Янтарь ва бронза рангбарангликда бу кўрсаткичлар ораликни эгаллайди.

Сурхондарё сур типли қоракўл қўйлари биологик ва махсулдорлик хусусиятларидан келиб чиқиб, турли хил рангбарангликдаги қимматбаҳо ва ноёб нақшли сур қоракўл терилари сифатини яхшилаш, сақлаш ва ирсий жиҳатдан генофондини такомиллаштириб бориш мақсадида биз қуйидаги таклифларни тавсия этамиз.

1. Сурхондарё сур типли қўйларни гомоген жуфтлаш орқали энг ноёб ва қимматбаҳо рангбарангликдаги сур типли қўйлар генофондини сақлаш ва уларни қайта тиклаш имкониятини яратади.

2. Сурхондарё сур типли қўйларни гетероген жуфтлаштириш янги нақшлар пайдо бўлишига, гомоген саралаш билан қимматли ирсий рангбарангликларни сақлаб қолиш ва ирсиятини мустаҳкамлашда муҳим ҳисобланади.

3. Сурхондарё сур типли қоракўл қўйларида рангбаранглик сур қўзилар барра тери гуллари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ҳар бир рангбаранглик тақсимланиши қўзилар тери гул типлари билан характерлидир.

4. Сурхондарё типидagi сур қўйларни нақши бўйича узоқ муддатли гомоген жуфтлаштириш подани мустаҳкамлигини ва ҳар бир нақшнинг ирсийланиш коэффициентини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Арипов У.Х., Алиев Д.Д., Омонов М.И., Нарзуллаев Х. Методические рекомендации по сохранению генофонда каракульских овец Сурхондарьинского сура. Самарканд.: 2017, 28 б.

2. Бозоров С.Р., Юсупов С.Ю., Газиев А. Роль и значение конституциональных типов селекции каракульских овец//“Чўл яйлов чорвачилигини ривожлантириш ва чўлланишнинг олдини олишнинг илмий-амалий асослари”. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Самарканд. 2019.21-24 б.

3. Гигинейшвили Н.С. Селекционные основы производства плоского и ребристого каракуля сур// Вопросы технологии производства шерсти и баранины. – Тр. ВИЖа., Дубровицы.: 1970, - Вып.18.С.28-32.

4. Исмоилов М.Ш., Ажиниязов Б.К. Қоракўл қўйлари генофонди ва уни сақлаш муаммолари//Озиқ-овқат хавфсизлиги: миллий ва глобал омиллар. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари., 2019.16-17 октябрь. Самарканд.: 2019. 180-182 б.

5. Столповский.Ю.А.,Захаров-Гезехус И.А. Проблема сохранения генофондов domesticированных животных// Вавиловский журнал генетики и селекции. М.:2017., 21(4).С.477-486.

6. ФАО. Положение дел в области продовольствия и сельского хозяйства. Животноводство.: в поисках баланса.Рим.: ФАО, 2009.

7. ФАО. Второй доклад о состоянии мировых генетических ресурсов животных для производства продовольствия и ведения сельского хозяйства. Краткое изложение. Рим.: ФАО, 2015,2016. Стр.14-19.

КОЛОВРАТКИ СЕМЕЙСТВА TRICHOCERCIDAE HARRING, 1913 ФАУНЫ УЗБЕКИСТАНА

А.Д. Сапаров, Нукусский государственный педагогический институт, Нукус

И.М. Мирабдуллаев, Нукусский государственный педагогический институт, Нукус

Аннотация. *Trichocerca* уругининг 18та тури Ўзбекистон сув ҳавзаларида қайд этилган: 10таси *Diurella* ва 8 *Trichocerca* осттур уругидан. Барча қайд этилган турлар чучук сув планктон шакллари ҳисобланади. Ўзбекистон сув фаунаси *Trichocercidae* оиласининг турлари ҳақида қисқача маълумот ва жадаллар келтирилган.

Калим сузлар: ротиферлар, *Trichocercidae*, аниқлагич, сув фаунаси, Ўзбекистон.

Аннотация. 18 видов рода *Trichocerca* отмечены в водоемах Узбекистана: 10 из подрода *Diurella* и 8 из подрода *Trichocerca*. Все отмеченные виды являются пресноводными планктонными формами. Приведены краткие описания и таблица для определения видов семейства *Trichocercidae* гидрофауны Узбекистана.

Ключевые слова: коловратки, *Trichocercidae*, определитель, гидрофауна, Узбекистан.

Abstract. Eighteen species of the genus *Trichocerca* have been recorded in waterbodies of Uzbekistan: 10 belong to the subgenus *Diurella* and 8 to subgenus *Trichocerca*. All species recorded are freshwater planktonic forms. Short descriptions and table for determination of species of the family *Trichocercidae* of the fauna of Uzbekistan are presented.

Key words: rotifers, *Trichocercidae*, key of species, aquatic fauna, Uzbekistan.

